

Ўзбек классиклари
кутубхонаси



Завқий
танланган
асарлар



ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриети
Тошкент — 1950

МУНДАРИЖА

Завқий (<i>Ҳ. Раззоқов</i>)	5
Ҳажвий шеърлар	11
Ғазаллар	74
Мухаммаслар	87
Саёҳатнома ва мактублар	100
Луғат	104

На узбе ском языке

ЗАВҚИ

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

ИККИНЧИ НАШРИ

Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент

Нашрга тайёрловчи

Ҳ. РАЗЗОҚОВ

Редактор *Т. Жалолов*

Рассом *В. Смирнова, И. Циганов*

Техн. редактор *Н. Курилова*

Расмлар редактори *Г. Бедарез*

Корректорлар: *Н. Аҳророва ва
М. Мансурова.*

* * *

Босмахонага берилди 20III 1960 й. Босишга рухсат этилди 20IV
1960 й. Формати 70X92^{1/32}. Босма л. 3,5. Шартли босма л. 4,09.

Нашр л. 3,33 Индекс: *к/а*. Тиражи 25000

ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент. Навоий
кўчаси 30. Шартнома № 2240

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 2-босмахонаси.
Янгийул, Чехов кўчаси, 3 1960 й. Заказ № 139 Баҳоси 85 т.

1961 й. 1 январдан 9 т.

ЗАВҚИЙ

Демократ шоир Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий 1853 йили Қўқон шаҳрининг Шайхон маҳалласида камбағал косиб оиласида дунёга келди.

Завқийлар оиласи жуда қашшоқ эди. Бутун оила Солиҳ аканинг косиблик даромади билан яшар эди. Шунга қарамай, ёш Убайдулла эски мактабда ўқиб хат-саводини чиқарди. Кейинча тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдами билан мадраса таълимини олди.

Завқий санъат ва адабиётни севар, шоир ва санъаткорлар ҳаётига, уларнинг суҳбатига қизиқар эди. Ўзбек ва тожик классик шоирларнинг ғазалларини, айниқса Навоийнинг ўлмас асарларини севиб ўрганди. Унда шоирликка зўр ҳавас ўйғонди.

XVIII—XIX асрларда Қўқон шаҳрида адабий ҳаёт бир мунча жонланган эди. Шу даврда демократик тенденциядаги шоирлар Махмур ва Гулханийлар етишиб чиқди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб демократик ғояларни изчиллик билан олға сурувчи алоҳида адабий йўналиш вужудга келди. Бу адабий оқим Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирларнинг номлари билан маҳкам боғлангандир. Муқимий бошчилигидаги бу адабий йўналиш Фурқат ва Завқийдан ташқари яна Нусрат (Насриддин), Нисбат, Муҳаммадқул Мирза Муҳаммад Расул ўғли Муҳаййир (1844—1918), хўжандлик Тошхўжа Эшонхўжа ўғли Асирий (1916 йилда вафот этган) каби шоирларни; Маматбува, Мўмин қишлоқи, Эркақори каби аскиячи — халқ қизиқчиларини,

Дадажон Фарзинбек, Мулла Қодирқул, Мулла Аҳмад, Садрхон, Мамажон Мақай, Ҳамроқулқори каби машҳур созандаларни ўз доирасига тортди.

Улар тез-тез йиғилишиб суҳбатлар ўтказар, ёзилган шеърларини ўқишиб муҳокама қилишар эдилар. Баъзан бу суҳбатнинг тематик доираси кенгайиб, ўша замонда юз бераётган турли социал ҳодисалар, шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткаш омманинг оғир аҳволи, авж олиб бораётган эксплуатация, амалдорлар, бойлар, савдогарлар ва руҳонийларнинг ярамасликлари, уларнинг халққа қилаётган зулм-захматлари ҳақидаги баҳога айланиб кетар эди.

Завқий ёшлигиданоқ ўз шеърларида реал ҳаёт ҳақида чуқур ва атрофлича фикр юритади, ҳаётдаги ҳар бир ҳодисадан социал хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади.

Завқий, Муқимий ва Фурқат каби Алишер Навоий ижодига эргашади. У илоҳий ишқ-муҳаббатни эмас, чин ичсоний севгини куйлайди. Шоир ошиқ ва маъшуқларнинг бир-бирига меҳру вафоли, садоқатли бўлишини талаб қилади. Ҳижрон, вафосизлик, дард-аламлардан шикоят қилади. Унинг «Юзингни кўрсатиб», «Кимга дей», «Эй насимий» мухаммаслари ва бошқа ғазаллари ана шундай шеърларидандир.

Шоир Завқий Туркистоннинг Россия билан қўшилишини халқ учун феодал хонлик даврига нисбатан афзаллигини, халқнинг келажак тараққиётини Россия тақдири билан боғлиқ эканлигини билди.

* * *

Шоир Завқий жуда кўп ҳажвий шеърлар яратди. Улардан ҳозирча топилиб, ушбу тўпламга киритилганларининг ўзи ҳам тематик жиҳатдан хилма-хил, ўз даври учун ниҳоятда актуал бўлган асарлардир. «Мунча кўп», «Дар мазаммати замона», «Замона» «Ажаб замона», «Янгиқўрғон қишлоғи», «Шоолим (ёки золим) пули», «Ғудаслик бой». «Абдураҳмон шайтон», «Аҳли раста», «Таладинг баринг», «Вексель» ва бошқалар эксплуататор синфларнинг турли намояндлари: завод — корхона эгалари, вагончилар, савдогар судхўрлар, баззоз — олиб сотарлар, воситачи даллолар, қишлоқ бойлари ва бошқаларнинг кирдикори, ти-

пик характерини ифодалайдиган асарлардир. Шоирга уларнинг феълу атвори, хулқи, эл орасидаги лақаби жуда яхши маълум бўлганидан, уларни бир-икки мисралардаёқ кулгили ва жирканч ички-ташқи қиёфаларини яққол чизиб кўрсатади.

Ўзбек халқининг бой, образли тили, адабиёти, урф-одати, дидини яхши билган шоир Завқий ўз шеърларининг бадийлиги, мазмуни устида ниҳоятда қунт билан ишлади, халқ тили бойлигидан, мақоллари, афоризм, атамалари, қочиримларидан баракали фойдаланди, ўз шеърларининг юмористик кучини, таъсирчанлигини оширди.

Унинг юқоридаги сатираларидан ташқари «Пашшалар» радифли икки ҳажвияси, «От», «Отингиз», «Қиморбоз уста Турсун», «Буқоқ» каби юморлари ҳам ажойиб бадий маҳорат билан яратилган асарлардир.

Завқийнинг сатира ва юмори эксплуататорларнинг турли намояндалари ҳаётидаги ярамас нуқсонларга нисбатан ғазаб, пичинг, кесатиш, жойи келганда ҳақорат, фош қилувчи кулги формасида ифодаланадики, бу ўзбек халқи оғзаки ижодининг кенг оммалашган приёмларидандир. «Аҳли раста» шеъридаги характерли мисраларни келтирамиз:

Фозилхўжа деган оқфуруш бор,
Дафъ ҳар маразу зиндалакка...

Шокирқора тарзи одам ўлмиш,
Минг лаънат ўшал қаро эшакка...

Абдуллаҳожи суюлганидан
Минг мартаба чап берур куракка.

Синмайди деманг Наби қулини,
Пайнакни уриштирар саракка...

Ҳожи касал ўғли бодрафтор
Доғулики, панд берур Камакка...

Халқ онинг аксин ўхшатурлар,
Бурнин сумак, оғзини тувакка.

Элликбоши ўғли Макиёнбоз
Устоз бўлибди куркуракка.

Завқий ўзининг 1916 йили ноябрь ойида ёзган «Афандилар» шеърида миллатчи — жадидларни «шум, беҳаё, бирор суханда рости йўқ ёлғончи мунофиқ» деб лаънатлайди.

Шоир 1916 йилда ёзган «Ажаб эрмас», мухаммасида яқин келажакка умид кўзи билан қараб, бахтли кунларнинг бўлиши муқаррарлигига тўла ишонч билдирди ва халққа бу ҳақда таскин берди. Шоир 1917 йил февраль ойида ёзилган «Кўз очайлик» радибли мухаммасида халқни кўз очиб, оғир кулфатларнинг сабабини билишга, очлик ва яланғочликни йўқотиш учун ғайрат қилишга чақиради.

Муқимий вафотидан кейин Фарғона водийсидан ташқарига чиқмаган Завқий ҳамisha халқ ичида яшади ва меҳнаткаш омма билан бирга нафас олди, унинг куйини куйлади.

Коммунистик партия раҳбарлигида олиб борилган қаҳрамонона курашлар натижасида Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди, пролетариат диктатураси ўрнатилди. Революция душманлари Тошкентда тузилган Туркистон халқ комиссарлари советига қарши курашиш мақсадида ўзларининг контрреволюцион «Қўқон мухторияти» ҳукумати туздилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан беҳад қувонган эркесвар шоир «мухториятчиларнинг бу фитна-фасодларидан ниҳоятда ғазабланди. Шундан сўнг у, Қўқон депосидаги большевик ишчи дўстларининг раҳбарлигида революция душманларига қарши курашга отланди. Завқий 1917 йил декабрда «мухториятчилар»га қарши 18 мисралик ҳажвий шеър ёзиб, «Шўрон Ислому» ва бошқа қора кучларнинг ифлос башарасини очиб ташлади.

Коммунистик партия етакчилигида ишчилар синфининг контрреволюцион қора кучларга қарши кураши ниҳоятда кучайган 1918—1921 йилларда Завқий кексайиб қолганлигига қарамай, бу кураш сафида бўлди. 1918 йил 25 январда Тош ота қишлоғида ишчилардан тузилган Қизил гвардия отрядлари билан Қўқон

контрреволюционерлари ўртасида катта жанглار бош-лашиб, «мухториятчилар»нинг дастлабки босмачи тўдалари тор-мор келтирилади. Қўқонда 1918 йил 1 февралда ҳокимият Советлар қўлига ўтади. 1922 йил февралда эса, халққа бутунлай ёт бўлган «Қўқон мухторияти» тарқатиб юборилганлиги эълон қилинади. Бу — ёш Совет давлатининг Фарғонадаги контрреволюция устидан қозонган катта ғалабаси эди. Шоир Завқий бу ғалабани «Фарғона» радибли мухаммасида мадҳ этади. Меҳнаткаш оммани революция ғалабаларини мустаҳкамлашга чақиради, босмачи бандитлар, контрреволюцион «мухториятчилар»нинг сиёсий башараларини бирма-бир фош қилиб ташлайди.

Завқий революциягача бўлган фаолияти ва ижоди билан эксплуататорлар синфининг турли вакилларига қарши курашиб, халқ юрагида уларга қарши қаҳр-ғазаб қўзғотди, халқни золимларга қарши руҳда тарбиялади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг биринчи кунларидан бошлаб, у, то вафотига қадар меҳнаткаш омма ва ёш Совет давлатининг манфаати йўлида курашди. Совет ҳукумати ва Коммунистик партия томонидан берилган топшириқларни жон-дили билан бажаради. У, М. В. Фрунзе ташаббуси билан тузилган эски Фарғона штаби ҳузуридаги агитбригадада, очликка қарши тузилган комиссияларда аъзо бўлиб ишлади.

Аmmo босмачилар шоирни жисмоний йўқ қилиш пайига тушдилар. Шу мақсадда уни тутиб олиб зиндонга ташлайдилар ва калтаклайдилар. Халқ ўзининг жасур ҳимоячисини, севикли шоири Завқийни товон бадалига ажратиб олади. Бироқ оғир азоб тортиб ҳолдан кетган Завқий 1921 йилда вафот қилади.

Қўқон большевикларининг ташаббуси билан меҳнаткашлар депутатлари Қўқон шаҳар ижроия комитети шоир Завқий хотирасини абадийлаш мақсадида у туғилиб ўсган Шайхон маҳалласига 1922 йилда Завқийобод деб ном берди.

Демократик адабиётимизнинг йирик вакилларидан бири ҳисобланган Завқийнинг асарларини халқимиз севиб ўқийди. Унинг ўлмас асарлари ўтмиш ҳаётини ўрганишда биз учун қимматли ҳужжатлардир.

Бу тўпламга кирган шеърларнинг баъзилари тош-

босма баёзлардан, аксарияти шоирнинг замондош дўстлари ва шогирдлари қўқонлик Йўллош Абдураззоқов, Акрам қори Ғофуров, ЎзССР халқ ҳофизи марҳум Эрка қори Эгамбердиев (вафоти 1954 йил) Отaxon Мураббиев, Муҳаммадамин Айюбов, шоир Чархий (Асқарали Хамралиев), шоир Жавдол Абдуллаев, андижонлик Иброҳимжон Мусоев ўртоқлардаги қўлёзма нусхалардан кўчириб олинди.

Ҳ. Раizzoқов

ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАР

ЗАМОНА КИМНИКИ?

Сен дема ушбу замонда обрў муллоники,
Қолди аълолар оёқ остида, сўз адноники.
Сар дарахти мевасин кўр: зот ила қарғоники,
Демангиз, аҳбоблар, гул булбули гўёники,
Давлати васли тиконда, ҳажри ул шайдоники.

Сендин, эй даврон, ичиб ғам захрини ғамнокман,
Ғунча янглиғ оташинликда гирибон чокман,
Демадим бир бор ичсам дафъиға тарёкман,
Халқ наздида ҳақиру хок ё хошокман,
Давлату иззу шарафлар марди бодунёники,

Шаҳру қишлоқ демангизким, фисқ ила тўлди жаҳон,
Аҳли дунё қошила ёлғончилардур нуктадон,
Йўқ ривож касбу ҳунарға, соврилибдур хонумон,
Хоҳ косиб, хоҳ деҳқон қайға борса бағри қон,
Ҳоли ҳар ерда сухан шармандаю расвоники,

Муътабар, нодон элидин қочди, донолар бари,
Гўшага олди ўзин кўнгли мусаффолар бари,
Қолдилар роҳи равишдин дийда бинолар бари,

Эътибор ўлди жаҳонга сурат оролар бари,
Бу замона гарч ковуш кийган, силиқ саллоники.

Ҳеч ким фақр аҳлига жон бирла қилмайди савоб,
Ағниё аҳлига анқо парча нон, бир томчи об,
Шу сабабдин бева-ю, бечоралар бағри кабоб,
Бекасу бечора сўзига киши бермас жавоб,
Манзилат ҳар ерга борсанг сурати зебоники.

Маъсият тўлди жаҳон ичра, зуҳур айлар фасод,
Хайру эҳсон топди барҳам, халқ бозори касод,
Ошно, ёру биродарларда ҳам йўқ илтифот,
Меҳру шафқат йўқ, ота ўғлига қилмас эътимод,
Давру даврон ҳамма жойда ҳокиму мирзоники.

Ағниё аҳлида йўқ хайру саховатдин асар,
Бас эрур илму амал ўрнига бўлса сийму зар,
Қўрқаман бу феъли баддин ютмасин деб ер магар,
Сўрсаларким, бу мухаммасни ким айди деб агар,
Завқий деган бир ямоқчи, маҳсидўз устоники.

ДАР МАЗАММАТИ ЗАМОНА

(Муқимийга жавоб)

Эй фалак, Фарғонага тегдиму билмам кўзлар,
Чилла-ю доим зимистон, бўлмагай наврўзлар.

Бева-ю бечора косибларга ҳурмат қолмади,
Уғрилар атлас кийиб, бой бўлди кўп тўнг кўзлар.

Юрту эл аҳволига зор йиғламоқдин ҳар кеча,
Ой кўкси доғу гардун ашкидур юлдузлар.

Арзиҳол этсанг чиқиб, ҳеч бир қулоқ солмай яна
Депсагай, мажруҳ қалбинг бўлғуси маъюслар.

Ағниё аҳлига айни муддао бўлди, кўринг,
Айшу ишрат бирла ўтгай кечаю кундузлар.

Чархи кажрав, шум замона иллоти қилгач асар,
Аҳли дониш кўзлариға тийра бўлди рўзлар.

Бу шаҳар фисқу фужурдин бўлди бадбўйким,
Кўплигинин пул эгаси (думалоқ) қўнғузлар, кўринг,

Кўп машаққат бўлди элга ўғриларни (нг) ваҳмидан.
Ҳеч бир жон ухлаёлмас яккаю ёлғузлар.

Могу жонга кўз тикиб, тўпланди чор атрофидин,
Уйма-уй босқин ясаб олгур қароқчи-дуздлар.

Улди кўплар беажал, номус бўлди поймол,
Қиз анодин ажралибким, бўталардек бўзлар.

Тавба деб, Завқий яқонгни ушла, бўлғил эҳтиёт
Аждарҳодек комини очганда ялмоғузлар.

Б У Л

Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл!
Ақчадин лангар чўп ушлаб растанинг дарбози бўл!

Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи кар анга,
Бир ҳовуч олтин, кумушнинг хуш жаранг овози бўл!

Тегмагай ҳаргиз нишонга отган ўқ юз ҳавж ила,
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳи тийранدوزи бўл!

Истамас бўлса замона Завқий ёзган шеърни,
Ким эшитсин арзиҳол хоҳ рози, хоҳ норози бўл!

Қ А Р З

Муҳтож кишига бўлди бу йил балойи қарз,
Йўқ осойиши айш, ҳама мубталойи қарз.
Фарзи худо, қарзи халойиқ бори елкада,
Ё раб, адойи фарз этайин ёки адойи қарз.
Утсам тутадур, ҳар кўчаю маҳалладин,
Гўё қазойи ҳожат этурдек адойи қарз.
Йўқ зарра нажот ҳеч, кун-тун зиёт ўлур,
Қўш-қўш туғадур ҳафтада янги ойн қарз,
Бозор касод, касбу ҳунарга ривож йўқ,
Нафс шайтонининг васваси, ройи қарз.
Етмаса мулку ашъё зуд тутиб мени,
Айлар юзи қаро бир кун сазойи қарз.
Найлай бу зиндаликни, Завқий, сафоси йўқ,
Ортар ҳамиша ғаму кулфат, жафойи қарз.

1875/76

СУВ ЖАНЖАЛИ

Олдим қўлимга хомани,
Ездим ажойиб номани,
Тингланг қизиқ ҳангомани,
Жанжоли то алҳол экан.

Қурғур Карим бобосидин,
Ҳеч тинчимаё даъвосидин,
Улдик анинг ғавғосидин,
Боёнлари дажжол экан.

Айбини иқроёр айламас,
Ҳеч номусу ор айламас,
Панд этсангиз, кор айламас,
Сўз садқани увол экан.

Ҳар қанча қилса гуфту гў,
Бу ёзда тансиқ бўлди сув.
Ким можарони(нг) боши бу,
Моҳияти яққол экан.

Борганда пешвоз қўй сўйиб,
Ҳожи миробга тўн қўйиб,

Кунлар ўтар шу хил тўйиб,
Кўнгиллари хушҳол экан.

Хоҳ рози, хоҳ бўлсин хуноб,
Юрт-элға сув бермай мироб,
Ҳожи ерин қилмиш сероб,
Деҳқон учун қаттол экан.

МУНЧА КЎП

Золим фалак бисотида озор мунча кўп,
Инсон шарафли номида хор мунча кўп,
Ҳар кўчаларда қашшоқ ила зор мунча кўп,
Тарҳи жаҳон биносида бадкор мунча кўп,
Хўқанд аро балога гирифтор мунча кўп.

Ҳамрозу дўст топилса-ю, жонлар фидосидур,
Орзу шулким: камина кўнгул муддаосидур,
Хуш суҳбати мажруҳ дилим давосидур,
Мақдами кўзума айни шифо хоки посидур,
Йўқ андоғ анисим, дунёда ағёр мунча кўп.

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,
Бошим олиб фиғон ила ё бир томон кетай,
Ушбу диёри масхарани эмди тарк этай,
Тинмай шикоят ила ёмонга рақам битай,
Жумла фалокат аҳлига ғамхор мунча кўп.

Дориламон бўлди ажаб фоҳишахоналар
Тўлмасми касофатдин охири паймоналар,
Доно кўриб бу кулфат ўтида ёналар,
Қолсин фисқу фужури бошидан ордоналар,
Қарғишга нишон беномусу беор мунча кўп.

Илму ҳунарлар ўрнига пулдор тўнг бўйин,
Уч-тўрти йиғилиб қилишур ит каби ўйин,
Эҳсони ғарибга йўқ, шоҳона қилур тўйин,
Айтса адо бўлмас сира минбаъд феълу хуйин,
Гуссаи дилим шарҳ айласам асрор мунча кўп.

Қишлоқ эли шафтоли қоқи, нон тополмагай,
Кийган либосини тортса (белини) ёполмагай,
Ўлди совуқда кўпи оч, ўтун ёқолмагай,
Кўрдик бу машаққати ҳаргиз йўқолмагай,
Қиш чилласида ёзга умидвор мунча кўп.

Ким ташна ёр учун, кимида икки-уч ҳарам,
Бирови беватан-у, бировда боғи эрам,
Бировни(нг) сўзи зулфиқор, бировни(нг) қадди хам,
Ғаддор фалак, доим ишинг бўлди бешу кам,
Каждор замона, доғули маккор мунча кўп!

Биров сийму зар ила ўлимдин омон бўлур,
Етиб муродға бири ҳокими замон бўлур,
Ақча учун киши роҳзан ёмон бўлур,
Бечора косиб аҳлига, билгил, зиён бўлур,
Ноҳақ қон тўқарга босмачи хунхор мунча кўп.

Дерлар биров улуғ-у бирни(нг) паст тақдири,
Бири тўқу, бири оч, балоларни(нг) собири,
Инсон шарафли номида эмасми ҳар бири?
Ёхуд она туққанида бўлганми бир сири,
Елгон эътиқод ила бидъат шиор мунча кўп.

Завқий, ким айди, мунча шикояти дароз қил,
Сўзни мухтасар айлаб, иборатни оз қил,
Ким зимистон кўнгулларни баҳору ёз қил,
Қад рост тўриб, сўз била элни сарафроз қил,
Айтмай десанг, муносиби ашъор мунча кўп.

АЖАБ ЗАМОНА

Ажаб замонадур, аҳбоб, бош қотиб қолди,
Будур муомила: бозорлар ётиб қолди,
Кими нишонасига келса қарз отиб қолди,
Бу даҳр лойиға аҳли ҳунар ботиб қолди,
Бу май шириндур — ачиғ ҳар киши тотиб қолди.

Иўқотди чиқса бозорга афанди қопини,
Бўлур кузаккача маълум ким урса лофини,
Келичасини сотиб ейди, балки сопини,
Бу йил хуруж қилиб чиқди қарз ёпуни,
Ўзини (нг) мулкини бермай ким ажратиб қолди?

Ҳамиша шуъбалагар давр кўргазур бози,
Жаҳон тўла бари ҳангомадур қишу ёзи,
Фалакни (нг) ҳар кишига бу тағофилу нози,
Очилди мактаб, ўқитди синишни устози,
Ким ўлса рўбарў, бир дамда ўргатиб қолди.

Демакка рози дилим эмди ҳамнафас қайда?
Киранға булбули таъбим тузук қафас қайда?
Иўқотди йўлни ҳама, савтлик жарас қайда?
Олурға боғи эрам орзу ҳавас қайда?
Тамоми олам эли мулкини сотиб қолди.

Замона бойларини(нг) ўртасида кина-ю бухл,
Бириси Булаҳаб эрса, бирисидур Бужаҳл,
Бирини(нг) мазҳаби — дунё, бирида пир —
вексель,
На қози қолди, на аълам, на муфти-ю на вакил,
Бир илтимос ила векселига чатиб қолди.

Отанинг бўйнида йўқ ўғлини(нг) вафо тавқи,
Онаси қиз боласи-чун қачон келур шавқи?
Баробар ўлди ёмон, яхшиларни(нг) мофавқи,
Бу давр бирла ўтиб умри муддаи, Завқий,
Бировни алдамади, лекин алдатиб қолди.

1904—5 йиллар.

КЎП ҚИЗИҚ

Кўп қизиқ бу жаҳони(нг) савдоси,
Кўринур ранг-баранг тамошоси,
Ҳар ера борса сўзи мақбулдур,
Кимни(нг) бор бўлса нуқра-тиллоси.
Жумласи бойлар сўзин айтур,
Хоҳи эшони, хоҳи муллоси,
Илмдин истасанг, нишон йўқдир,
Бошида бор қозонча саллоси.
Тўй қилиб, ош берур ғанийларга,
Камбағал парча нонни(нг) шайдоси.
Тўн қўюр олдига имом, бойни(нг),
Камбағал келса ҳайда-ҳайдоси,
Сарф этар тўйга пулни минг-минглаб,
Йўқ хаёлида мактаб иншоси.
Илм учун пулни кўзлари қиймас,
Ким билур бору йўқу фойдоси.
Завқийи хаста ўлса очликдин,
Бўлмагай бойларни(нг) парвоси.

1910 — 11 йиллар.

КАЖДОР ЗАМОНА

Ғаддор фалак ситам нишона,
Каждор, мариз, эй замона!

Яхши ҳама даҳр аро нигунсор,
Ҳар ерда ривождур ёмона.

Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,
Бойларни биров демас бегона,

Пул бўлса кифоя, майли душман,
Беул қарамайди дўст жона.

Зоғу зағани юрибди озод,
Булбулга қафас берур замона.

Инсон шарафила қадрсиздур,
Ҳайвон жасади-ла мардумона.

Хунса ҳама сарди мажлис ўлди,
Мардона иши бўлиб занона.

Сардорлар ўлди беҳирадлар,
Ақл аҳли юраги тўлди қона.

Эй тез забону мардум озор,
Қил фикр, не иш эрур чаёна?

Эл таънида шикваи замондин,
Завқий ишинг ўлди бу фасона.

1915—16 йиллар.

ҚУЛОҚ СОЛИНГ, ЁРОНЛАР

Юракда лахта қонлар, қулоқ солинг, ёронлар,
Асрида бегу хонлар, эсиз ўтган замонлар.

Чингиз билан Чамачбий оламни қилди тобиъ,
Савдойи умр гоҳи қилғай экан ҳаёнлар...

Шохона ишрату базм мадҳиға айдилар назм,
Илму ҳунарға йўқ жазм, ўтмишки бегу хонлар,

Эл захрасини ёриб, асов отида бориб,
Умрида соқон отмай бўлур «соҳибқирон»лар.

Йиғиб ҳамшираларни, муғлуқ бокираларни,
Шом этди тийраларни, соврулди хонумонлар.

Кулфат тушуб бошиға, оғу тушиб ошиға,
Келмай киши қошиға, ақрону меҳрибонлар.

Йўқ истаса халойиқ, дардға табиби ҳозиқ,
Раҳбар бўлурға лойиқ, бошиға соябонлар.

Худоёр қочди-кетди, жулус ўрусға етди,
Ҳукмин равона этди то Шошу Андижонлар.

Ҳар бир ишида ҳикмат қўллаб очар тилисмот,
Ўтхона бирла бир ряд кетур бари вагонлар

Пружиналик коляска жон роҳати олисга,
Зийнат телеграмдин топура янги замонлар.

Савдо қизиқ бозори, кўп ўлди харидори,
Тужжор элин гузори, тушди фаранг томонлар.

Илму ҳунар ривож, бўлғай ақли(нг) тожи,
Ҳам юрту эл хирожи, собит топура омонлар.

Аҳбоб Муқимий қат-қат, Завқий дилида ҳасрат,
Ҳижрат тутибди Фурқат, қолдик неча ёмонлар.

1897—98 йиллар.

УЙ ПУЛИ

Анди деган шаҳарға тушли шитоб уй пули,
Айлади кўп одамни хонахароб уй пули.

Зулм қилиб ҳокими солди дўконларға пул.
Тушмуш алар бошиға қаттиғ азоб уй пули.

Лак пули деб бир солур. уй пули деб бир олур,
Қилмаса деб қўрқаман хоки туроб уй пули.

Ғалла хирожи қабул топмасидин илгари,
Деди жадал айлабон устига: «топ уй пули!»

Дуди фиғони, кўринг, чиқди фалаклар уза,
Қилди фақир аҳлини бағри кабоб уй пули.

Уй пулидан хат аро сўзлади бечора халқ
Завқий Хўқандий деди унга жавоб уй пули.

1898 йил.

ЗОЛИМ ПУЛИ

Ғам еманг эй раста, ўн сўм тушди Шоолим пули,
Бу эмас Шоолим пули, албаттадур золим пули.

Йиғ деса амрона тергай битталаб бор-йўқдин,
Жамъ қилсам етмади жумла пару болим пули.

Нақд бир минг олти юз сўм зоҳир этди киссаси,
Насия маълум эрди, эй аҳбоб, аҳволим пули.

Дод денг, ҳар ерга бориб бу ҳамоқат дастидан,
Қолмади ҳаттоки, уйда аҳлу аёлим пули.

Пулни олғач, мақтаниб хўб айтар эрмиш бетамиз.
Бул эрур аввалги бозордин қолан молим пули.

Сеҳр ўқиб, келгуси бозор бўлғуси бир пира зан,
Берсангиз, ўлганда қолган эрди,— дер,— чолим пули.

Завқий косиблар тилидин кимга арзу дод этар,
Бу эмас Шоолим пули, албаттадур золим пули.

В Е К С Е Л Ъ

(Завқий ғазалига Муқимий мухаммаси)

Мастур қолмағайким сўзнинг йўғони чиқди,
Олтиариғлари ҳам векселни (нг) кони чиқди,
Зовутни биткаролмай эшонни (нг) жони чиқди,
Афсус, э халойиқ, ишлар ёмони чиқди,
Охир замона маълум бўлди нишони чиқди.

Ҳар ишки халқимизга ҳокимлар этса фармон,
Қилмай иложи йўқдур душвор, хоҳи осон,
Нуқра, кумушларидин бойлар хижил, пушаймон,
Юз дод қилмасинму бечорам мусулмон,
Ҳар танга-ю миридин яққол зиёни чиқди.

Банд ўлди олди-сотди фуқароларингни бил деб,
Пуллар жаримасини қилсанг экан бу хил деб,
Бозор бай очолмай, қишлоқу шаҳр сил деб,
Арз этдилар халойиқ ҳокимга ҳукм қил деб,
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

Диққат ҳама сотолмай, ё бир нима олурға,
Қассоб етти ўзни гўшт ўрнига тилурға,
Солган қулоқларини эл, гап недур билурға,
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотик қилурға,
Суйи самога йиғлаб косиб фиғони чиқди.

Халқики камбағаллар гўёки ғалтак ўлди,
Улгани(нг) устига ҳам бир неча калтак ўлди,
Бу воқиа, Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди,
Пул — дабба, нарҳ-қиймат устига пўстак ўлди,
Пўстак (белиға) боғлаб, Завқий, баёни чиқди.

ҲАЖВИ ЙИКЧИ ЭШОН

Солдинг олам аҳлига кўп шўришу говго эшон,
Хайрият, тезроқ еди бошингни бу савдо эшон.

Омилиғдин кашфи жин еткурди бошлаб дорға,
Қилмас эрдинг ушбу иш, бўлсанг эди мулло эшон.

Сенга ким қўйган эди қилмоқ тариқат даъвосин,
Э шариат ҳукмидан оламда бепарво эшон.

Хориқи одат: ўтинсиз ош пиширдинг томда,
Айлабон рангин «каромат»ларни хўп барпо эшон.

Аҳли Фарғона тутар маҳшарда домонингни бил,
Ушбу йил қилдинг зарар ҳар кимга минг тилло, эшон.

Ишни сен қилдинг, балоға қолдилар бечора халқ,
Ғўзани сен еб, кесилди бўзчи, банги, ё эшон.

Шухратингни(нг) офати ёлғиз ўзингга тегмади,
Балки сен офат бўлиб қилдинг вабо пайдо эшон.

Э касофатлик вужудинг наҳсидин Мингтепада
Хонавайрон бўлди бир минг манзилу маъно, эшон.

Қанча одам ўлдилар, кўп халқ бўлдилар асир,
Шаръ ҳукми: қониға зомин бўлибсан, ҳо эшон.

Тутмаса Қодирқули мингбоши, гар осилмасанг,
Айлар эрдинг бу маҳалда Маҳдилик даъво, эшон.

Ўт югуртурдинг «каромат» деб қилиб бидаъат ўчоқ,
Қилмади бу ишни ҳеч оламда бир тарсо эшон.

Номуборак мақдаминг Мингтепани қилди хароб,
Гар қадам қўйсанг чиқаргай дудлар дарё, эшон.

Ҳам бошингга, ҳам (кетинга) тегди отган сопқонинг,
Марг сен соҳибхуруж ўлғонга, э расво эшон.

Ҳимматинг олий экан, ушбу «ғазот» инг ажриға,
Борсанг арзир тўхтамай дўзахга — сен танҳо, эшон.

Мундоғ иш одам демай, оламда ҳайвон айламас,
Сўфи мисвоку мусалло, шона-ю салло эшон.

Ранг-баранг рангу риё қилмоқда шайтон ҳамтабақ,
Йигчи халфа ном чиқардинг, баччагар, усто эшон.

Енги кир малла чопонинг, меши дастурхонларинг,
Феълу атворинг тамоми ёқмаган бежо, эшон...

Ҳийлакор доғулидек сурат совуқ, сират бузуқ,
Бир чўқиб икки қарайдурғон алоқарғо эшон.

Мунча асбобу алойиқ қолди бошингдин сабил,
Қирғизу, қипчоқ кетурган ҳадя-ю савғо, эшон.

Ҳар киши бу шўриши Фарғонадин сўрса нишон
Завқий айтур: жон чиқиб, тарихидур иғво эшон!

А Ф А Н Д И Л А Р

Айтсам сиза сўз ростидин,
Ҳам авж баланду пастидин,
Тушманг бировлар қастидин,
Эй «порсо» афандилар.

Фарқ айламай яхши-ёмон,
Ким арпа, буғдой, ким сомон,
Тухмат ҳақоратлаб ҳамон,
Не муддао афандилар?

Таън айлангиз бўлса ҳаёт,
Улганга сўз қотмоқ уёт,
Йўқ маъносида қатъиёт,
Ким иштибо афандилар.

Доим Муқимий, Фурқатий,
Едимда меҳру шафқати,
«Ислоҳ»да бошлаб тухмати,
Кўп норасо афандилар.

Бўлса дегай эрди Муқийм,
«Ислоҳи»нгизга
Эй шолча таб, ақли тўқим,
Шум беҳаё афандилар.

Айбимми ашъор битмасам,
Сиз бирла ҳамроҳ кетмасам,
Ехуд зиёфат этмасам,
Юзи қаро афандилар.

Оқ деб бўлурму мўрини,
Тотлиқ демаслар ғўрини,
Ҳам қўйни кўр, ҳам бўрини,
Эй бедаво афандилар.

Посид хаёликим агар,
Бўлса этаклаб ой тўсар,
Қалбида фитна, шўру-шар
Явмул-жазо афандилар.

Сизлар юурсиз исловот,
Ҳам барча «боз-бозига» бот,
Шарм айлагай сиздин уёт,
Номус-ҳаё афандилар.

Сидқийки «Рафъи иштибоҳ»
Журналингизга бир гувоҳ,
Наъра урарким оҳ-воҳ,
Айланг даво афандилар!

Дўзанда косиблик ишим,
Эл бирладур ёзу қишим,
Йўқ арз этарга бир кишим,
Дорилқазо афандилар.

Сайёҳ келди бир куни,
Одил этаклаб кун-туни,
Мақташди тинмасдин уни,
Қазо-казо афандилар.

Ҳар раста бойи дўстингиз,
Сиз — мағз, алардур пўстингиз,
Борми суханда ростингиз,
Кесма яқо афандилар.

Карнай чолиб беморға,
Завқий осилмас дорға,
Арзим шу: дўсту ёрға,
Ким ҳўл бало афандилар.

*1916 йил ноябрь
ёки декабрь.*

ҲАЖВИ АҲЛИ РАСТА

Арзим буки Қори сумалакка,
Еткурса бошини ҳам фалакка,

Гаҳ-гаҳ назора айласин ул,
Ибрат кўзи бирла бу саммакка. *ер ости*

Сангъёда носдонни мақтаб,
Сўз нақдини урмасин маҳакка.

Улфатлари, шамъгарми аҳмоқ,
Шамъ қайчини боғласин этакка.

Саллоҳбачча — отлари Жалилбой,
Тўрт тепкини едилар хўракка.

Шокир қора тарз одам эрмиш,
Минг лаънат ўшал қора эшакка.

Кўп ҳаддидан ошмасин Назирбек,
Ўхшайди ул ошқовоқ ҳамакка.

Пул келмаса банкадин бойвачча,
Карнай чоладур бўлар-бўлмакка¹

¹ Бўлмасга

Ул локяча бойвачча дастор,
(Елгани)да ўхшатур бўзакка.

Кофирча деган бир Аҳмаджон бор,
Қўп шуғли баланд ҳанграмакка.

Аъламни (нг) ўғиллари Олимжон
Ҳайф тўн била салла гунгалакка.

Бир зарра рия қил тўрамни
Қўш рамз сухан билан кўмакка.

Сил афти ориққина Муҳиддин
Аҳволи аён бўлур кузакка.

Фозилхўжа деган оқфуруш бор,
Дафъ ҳар мараз ила зиндалакка,

Олиб борур ўлди Қосим охунд,
Бизни Қоракўлга, ҳандалакка.

Усмончани(нг) соати ярашмиш,
Ришхўр алишурму мўйчинакка.

Мавлон эшигида ота Фозил,
Ухшайди барақ десам кўпакка.

Кир кўйлак ўлибдилар Умаржон,
Сотмоқ учун эмди жун жиякка.

Чинни била чой сотур Жалолхон,
Жононни қўшилтурур хашакка.

Мирҳамза бой ўғли Кичкинажон,
Нисфи газ эмас, келур сеякка,

Иқонбача бирла Булбул ўғли
Ухшайди ҳар иккиси пуфакка.

Ул ҳожи Ҳасан деган заки табъ,
Йўқ тоқатим анга сўз демакка.

Нусрат била ошнолигим бор,
Тентаккина шатрама-шатакка.

Сўфини(нг) боласи Абдуқодир
Қаттиқлиғи ўхшамиш данакка.

Ҳожи касал ўғли бодрафтор
Доғулики, панд берур Камакка.

Қосим шамол андаки енгилроқ,
Ўхшаб учар худди бодпаракка.

Ортиқбачани семиртинглар,
Ўқ бўлғуси катта замбаракка.

Эл ани(нг) акасин ўхшатурлар,
Бурнин сумак, оғзини тувакка.

Кўр, иштаҳасини Хўжабача,
Ош солиб ичар эмиш челака.

Йўлдошни демиш Хитой табиби,
Бодбар мухолифи юракка.

Элликбоши ўғли мокиянбоз,
Устоз бўлибди куркуракка.

Корибача синчалакка ўхшар,
Фарзинбача мисли войваякка.

Қози қизига дуолар айтинг,
Ул насли башар эмас малакка.

Фарзин бисоти лоларухлар,
Оламни мусаххар этди якка.

Эй хўжа жаҳон, кўп аччиғим тез,
Ҳам етди пичоқ бориб суякка.

Нусратга ярашди ит яқоси,
Бошин суқадурки, ҳар катакка.

Абдулла ҳожи кўп суюлганидин,
Минг мартаба чап берур куракка.

Машҳур ўша кўр Мели эурсан,
Бошинг агар етса ҳам фалакка.

Кирса халога уч кун ухлаб,
Кўкнар кайфида кетар пинакка.

Гап таъсир айламайди сенга,
Аблаҳ, ты слепой эшакка...

Гап таъсири кетмасун Мўминшоҳ,
Ош еб, оғиз артмасин патакка.

Тошкент ўтағаси Файзи шайтон,
Қўл қўйди пўкон билан тезакка...

Извесни вагончи тунд кўр Одил,
Улмай туриб ўхшади кесакка.

Кўр бўлмаса пул оқиб келурму,
Бу бадшакл, слепой дуракка.

Қирқ олти кишини фасона қилдим,
Қим чиқса ўқийди Муймаракка.

Таъбингни аробасини тўхтат,
Шотисини боғла ғилдиракка,

Завқий осилурға ҳимматидин,
Дор боғлади бир баланд теракка.

1905 — 6 йиллар.

ТАЛАДИНГ БАРИНГ!

Эшит арзи ҳолим, эй (шанқилар)
Мени мунча яккаладинг баринг!
Чопишиб келиб, қоқишиб туриб,
Хийла қўрқитиб таладинг баринг!

Менга бир бўқоқни хириллатиб,
Қопиб ол они деб ириллатиб,
Олақаргадек йиғилиб чўқиб,
Менга хўмрайиб қарадинг баринг!

Чит растасини ғовур қилиб,
Ит қувган соқовдек ҳовлиқиб,
Гаронишга арз этиб охири
На иш қилгали ярадинг баринг!

Бир эски тўнга бу хусуматинг,
Бижғиб ичингда неча иллатинг,
Ғўдайиб Сибирь қиламиз дебон,
Бир авахтага солмадинг баринг!

Мени ўлдурур кишидек бўлиб,
Ана ўтди деб, мана кетди деб,
Тўпаланг қилиб, кўча чангитиб,
Кўз олайтириб қарадинг баринг!

Аччиқ суханим қилдими асар,
Чопишиб ҳар қаёнга сарбасар,
Мисли ит пашша чаққан мода хар,
Кўча-кўйда шатталадинг баринг!

Ва на манда сўз, ва на санда гап,
Манам индамай, санам энди хап,
Шаҳри Фарғона ичра Завқийни
Бу баҳонада синадинг баринг!

1905 — 6 йиллар.

ДАР ҲАЖВИ ШОҲ ИНОЯТ ҚУРБОШИ

(Қўқон шаҳар қўрбошиси)

Тинглангиз, аҳбоб, бу сўз бошини,
Тасвсиф этай ким ики авбошини.

Шоҳи Иноятки амал даврида.
Нечани(нг) оқизди кўзин ёшини.

Кибру иноду ҳасаду, зулм ила
Қилган эди мамлу ичу тошини.

Халқига тарқатмоқ учун доимо,
Қурган эди жабру ситам дошини.

Келса киши қошиға арз этгали,
Терган эди киприк ила қошини.

Қилса киши фош вафо шевасин,
Ортгай эди анга жафо тошини.

Беваю бечора йўлуқса агар,
Урди, ушатди ани(нг) ёнбошини.

Неча кун ўлди Мединскийга ёр,
Топди бориб тундаги йўлдошини.

Қолмади Хўқандда киши тотмаган,
Заққуми заҳр ики лаин ошини.

Ул эди Фиръавн, бу Ҳамон анга
Ўтди қилиб икиси кенгошини,

Турфа иморатки неча йил бўлиб,
Тескари қўйилди ани(нг) тошини.

Охири паймона тўлиб ноғохон
Берди ҳар икисини(нг) подошини,

Қўймади халқ ичра анга обрў,
Қилди аъдам ушбуни(нг) пархошини.

Халқ ғазаби ўзни намоён этиб,
Қилди ниҳон зулмини(нг) хаффошини.

Солини андиша сўраб саъй ила,
Айди хирад қўйига излошини.

«Е» сини чекди-ю, деди пири ақл
Тиғи ажал қўймади қўрбошини,

ОБИД МИНГБОШИ ҲАҚИДА ҲАЖВ

Ҳайхот, эшитсангиз улус,
Обид деган Қайнар бўлус,
Мансаб эсиз, ҳайфи жулус,
Бад лафзу, бадгуфтор экан.

Дашт ерда мулким бор эди,
Атрофи бедевор эди,
Бой чорваси ўтлар эди,
Қўй-эчкидин озор экан.

Тинмай дарахт экдим ҳадеб,
Қўй-эчкилар қўймас ғажиб,
Оқлаб кетар, қолдим ажиб,
Ердин киши безор экан.

Бир кун қўноқлабдур келиб,
Воқиф бўлиб бордим билиб,
Кетган экан озроқ жилиб,
Дехқонбой анда бор экан.

Қирғиз қочиб, йўлга солиб,
Эшак барим талаб олиб,
Хизматчилар чарчаб қолиб,
Ўлжа олиб тайёр экан.

Бойи бориб мингбошига
«Жаз» ташлаб они ошига,
Чорлатди бизни қошига,
Кўп вазъи тангу тор экан.

Бир умри тушти бир ишим,
Олдим муросолиғ кишим,
Кўрган замон учди ҳушим,
Бадшакли ноҳамвор экан.

Ҳамдам топиб, тошиб тўлиб,
Бордик узоқ чарчаб ўлиб,
Эшак тарафдори бўлиб,
Бизга қараб ҳангрор экан.

Қайнар гапи Қайнар булоқ,
Ҳеч сўзга солмайди қулоқ,
Улсин емай эчки-улоқ,
Кўп порахўр мурдор экан.

Оғзилари ким ит ялоқ,
Доим егай эчки-улоқ,
Е шайхму бу хотинталоқ,
Гўё кўпак сардор экан.

Оламда йўқ бундай чапан,
Уғлини дер бу: «наъра зан»,
Шанғи, шалоқ, кўп пешдаҳан,
Беҳуда дил озор экан.

Чақсам чиён деб мақтанур,
Мен кўп ёмон деб мақтанур,
Умрим пиён деб мақтанур,
Ўз айбига иқрор экан.

Арз бирла кўп бечоралар,
Бағри эзилган ёралар,
Борса, қилур оворалар,
Раҳм айламак душвор экан.

Бер эшагини, кет, деди,
Завқий, уйингга ет, деди,
Мен бир қопонғич ит, деди,
Беномусу беор экан.

ҲАЖВИ АҲМАДХУЖА ҚОЗИ БА ТАРИҚИ ТАРИХ

Жаҳондин кетди Аҳмадхўжа қози,
Қазога юз тутиб умрини(нг) ёзи.

Ҳақиқат шарҳи ҳол айлаб кўрулса,
Амоли хулқиға бўлғай тарози.

Қутулмай ўтдиларким феъли баддин.
Олиб ном эл аро: шум, боз-бози.

Киши арз бирла борган чоғларда,
Сўраб аввалда борму назру ниёзи.

Адл — инсофни дастмоя айлаб,
Олурлар эрди боқмай кўпу ози.

Адо айлаб эдилар фарз ҳажни,
Қилибон жамъ амволу арози.

Мударрисликка ҳам мансуб эдилар,
Эмас маълум «Музори» бирла «Мози».

Неча йиллар саёзбоши бўлубон,
Яна бўлган эди Қайнарга қози.

Амалдорликни доим пеша айлаб,
Бўлинмай ҳеч мағрурликка рози.

Эшитиб азл ахборини ногоҳ,
Бўлинди қазби руҳ бўлмоққа рози.

Чиқиб руҳи ажлалнинг раъйи бирлан,
Эрур тарихи Аҳмадхўжа қози.

АБДУРАХМОН ШАЙТОН

Хира нблис каби беномусу беор кетсанг-чи!
Ялоғ йўқ суқмаган бош, эй саги бозор, кетсанг-чи!

Вужудингда саодатдин асар йўқ, наҳси акбарсан,
Балоангизсан, эй кавкаби думдор, кетсанг-чи!

Сени катта-кичик кўрганда тутгай бемаҳал безгак,
Емон калтак емай, бу ердан беозор кетсанг-чи!

На танҳо кет демай, Мусича Махсумни олиб ҳамроҳ,
Қилиб бизларни ҳам бир йўли миннатдор кетсанг-чи!

Кафан косибга Шолим бўлса, сен бичмоқ чун қайчи,
Касофат мақдаминг бизларга нодаркор кетсанг-чи!

Фирибгарликда танҳо, Доғуливаш ё Камак насли,
Харидорларга мисли кўсан алдор, кетсанг-чи!

Хонатлас деб сотиб бўзу, бўёқдин сурмаю элик,
Олиб қўйганни(нг) турқин айладинг гулдор, кетсанг-чи!

Тириклик лаззатидин гар умидинг бўлса дунёда,
Халойиқ қилмайин охир, дами сангсор, кетсанг-чи!

Газанда —заҳри қотил мор, макирнаждек вужудингни,
Халойиқ кўргали бу растада безор, кетсанг-чи!

Ипактек гоҳ мулойим, келса истаршин ваё ҳожи,
Амалдорларга бўлган эй (лаган) бардор, кетсанг-чи!

Шаётин, уммисибён тарқалур дунёға наслингдин,
Агар аввалда йўқ эрса ўзинг, бадкор, кетсанг-чи!

Ваё юртимга борсам хотуним деб минг талоқ ўлсун,
Қасам ичкан эсанг ҳам, баччағар, бир бор, кетсанг-чи!

Улум афзал кишига эл аро олгунча шайтон ном,
Агар кетмоққа раъйинг бўлмаса, ночор, кетсанг-чи!

Тавалло қилган эрди андижонлик: келмасин минбаъд,
Хўқанд аҳли учун, Завқий, қилай изҳор, кетсанг-чи!

1912 — 13 йиллар

ҒУДАСЛИК БОЙ ҲАҚИДА ҲАЖВ

Танг кўзингдек мунча тангу тор бўлмай ўл!
Жамоат вақти пешин жомийда тайёр бўлмай ўл!

Ғусл демай, туғилиб умрда ювмай (бету қўл),
Доим биров таҳоратиға ҳамкор бўлмай ўл!

Таълими нопок гаҳи олиб кўр Ашурбойдин,
Ваё муфти Ҳасанжон каби бадкор бўлмай ўл!

Шаётин кўрса юзинг ўқиб қочур «валоҳавло»
Ҳийла-ю, макр бобида иблиси маккор бўлмай ўл!

Уткариб авқот мудом сифла-ю дун, нокас бирла,
Бухл-кийна майдонида номдор бўлмай ўл!

Қўтас вужуд кўрса, эл дегай Ғудос улуги,
Яёв сафарда қўш ўркачли нор бўлмай ўл!

Қўтанда қўй, таблада от, соябон арава
Зоҳиран сойилу қашшоқ каби хор бўлмай ўл!

Яширур юз, кўча-кўйларда кўриб ким турқинг,
Маҳалла-кўйга бунингдек дилозор бўлмай ўл!

Эшик санаб туну кун, мудом чўмич овида,
Эл ичра суллоҳу баднафсга ёр бўлмай ўл!

Йили гар ўтса ўлук қутулмағай дастингдин,
Маърака, хатм-хўжасиз ҳовлида тайёр бўлмай ўл!

Ҳар сўмидан мири деб фойдага қўйдинг пулни,
Қарадорларни(нг) осилмоғига дор бўлмай ўл!

Чўл йилон ёки газанда каби мардумни чақиб,
Панд беришда тулки-ю, эчкиэмор бўлмай ўл!

Аҳли дониш сўзи, Завқий, сира кор айламаса,
Ақча учун кеча тонг отқуча бедор бўлмай ўл!

1912 — 13 йиллар

ВОҚИАИ ҚОЗИ САЙЛОВ

Сиз эшитсангиз, аҳли Фарғона,
Айтайин бир ажойиб афсона.

Қиламан бир ҳикояи сайлов:
Бир киши қози-ю, чиқди биров.

Дегайлар кўнгулга жо бўлса ҳавас,
Ҳар ишда одами тинчимас бирпас.

Шаҳри Қўқонда, Хўжанд даҳаси,
Сайлов ҳангомаси бўлди баси,

Қозийи вақт исми мулла Камол,
Урнида қолмоғиға хом хаёл.

Тутубким жаҳонни ташвишу ғами
Фориғ ўлмайин бу ғамдин дами,

Бериб элликбошига ўн минг сўм,
Деди: айланг на бўлса расм-русум.

Мунча ақча олиб бировдан қарз,
Гўё ул билди қозиликни фарз,

Демадиким ирода кор надур,
Бор тақдир, ихтиёр надур.

Эди келиб мунда Шаҳархондин,
Тутар эрди ўзин баланд хондин.

Тутиб Шокирқорадек ганидин дўст,
Не дўст бўлиб баайни бир мағзу пўст.

Яна нопоклиғи машҳури жаҳон,
Ҳасанжон аъламдин ажрамай бир он.

Етиб элга ондин юз ранжи гарон,
Фисқу фужур ўлиб улусга аён.

Ким уни таниган ёшу қари
Вабо кўргандек бўлур эрди бари.

Бўлса агар етим-есир моли,
Қози қилур эрди молдин холи.

Ҳилаи шаръия деб ёлғон номин,
Сочар элга дона, қуриб домин.

Ҳузурига арз бирла келса биров,
Гурба янглиғ бўлурки, пойлаб эв.

Йўлуқса баногоҳ зебо рў хотун
Юзин очирур ҳам сўрур отин...

Ким йўлиқди анга шикоят этар,
Бу янглиғ можаро ҳикоят этар:

Амри маъруф талаб бир аёл
Келиб қозидан айламиш савол:

— «Пинҳони зино гар қилса киши,
На бўлур тонгла маҳшарда иши?»

Эй покиза сўзли мумтоз роҳбар,
Шариати расулдин бергил хабар?»

Қози дер: «Ношар зино этса аёл,
Ехуд эр бу ҳақда қилса хаёл,

Тебранур арш, етти қат осмон,
Боришур гумроҳлар жаҳаннам томон».

Ул зани пургуноҳ дер:— «Гуноҳ қилдим,
Нетарман неча бор зино қилдим».

Бу калимани дегач заифи осий,
Титрамишки қозининг ҳама аъзоси.

Ҳйрс била ёлбориб ул суллоҳ,
Хотунға ёпишур бориб ногоҳ,

Демиш: «Бу кеча мен била хилватда,
Бўлингиз боқи умр узлатда.

Сиз учун сидқи дил дуода бўлай,
То ўлгунимча муддаода бўлай».

Ул хотун юлиб қозининг мўйин,
Дерки, маҳкамада тўкиб обрўйин.

«Зоҳиран дўзах азобини сўзлаб,
Ботинда фисқ-фужур ишин кўзлаб,

Баракалло, эй хирқапўши фосиқ,
Ваъзингизғаму бу кор-бор лойиқ»,

Қози жавобида уялмай-нетмай:
«Арш қимирлар, аммо йиқилмас» дегай.

* * *

Яна бир қиссаки бордур машҳур,
Жойиз ўлур гар айласам таҳрир,

Бир заифани дерлар ўлиб эри,
Қолди кўп мол, дунё-ю ери.

Васийликка олиб Камол қози уни,
Совчи қўяр эрди туну кунни.

Муддао бутун амволин олгай,
Эгасиз хирмондин бойиб қолгай.

Ихтиёр қилмаслигин ул бечора
Изҳор айладиким неча бора.

Бўлса ул хотунга биров мойил,
Никоҳ қилдирмади қози неча йил.

Қарамай охир никоҳ паттасига,
Тегди-кетди бориб юртнинг каттасига.

Мулла Камол тортиб алам ёшурун,
Ўтмиш ичларидин қон бирла йиринг.

Алқисса бу аснода ўзга можаро
Юзланиб чиқдиким ажиб бир бало.

Тарқалди халойиққа сайлов хабари,
Қўзғолдилар ағниёю уламо бари.

Эрди бу частға қозийи мози,
Исми Мулла Ҳакимжон қози.

Қозиликни жону дил суяр эрди,
Мағрурлиғига кўп куяр эрди.

Соли ҳезу, Мўмин каби боёнлар,
Шоҳ Иноят қўрбошидек аъёнлар,

Маҳалланинг беш-ўн пешқадами,
Йиғилиб машварат айлади дами.

Оқибат ҳаммаси аҳд айладилар,
Мулла Ҳакимжонни сайладилар.

Пешкаш гаронишу ҳокимиғача,
Юборди доналарни домигача.

Хўжа Камол ҳам топиб хабари,
Йиғди сак, хўк, муш, бақари.

Шокирқаро, Олимқовоқ бошлиқ,
Хушомадлар ила тарқатиб ошлиқ.

Зўр ҳарб учун камар боғладилар,
Гўёки рақиб дилин доғладилар.

Ҳакимжон ҳовлисиға ким элчи
Юборди пинхони гўё тилчи.

Келиб ногоҳ бир-икки игвогар,
Қилди занжир эшик тақ-тақ дар.

Турган эрди эшикда бир миршаб,
Деди — «Очинг, бу ерда недур гап.

Вале миршаб аларни ичкарига,
Қўймади итариб кўкрагига.

Қим қози Камолга бориб бир-бир,
Сўзлаб дедилар: «Айлагил тадбир».

Бир-бирин уриб бошини ёрди,
Дод деб ул ҳоким олдиға борди.

Ҳоким Мединский, приставлар,
Келди, жамоа ўлтурубдирлар.

Тамоми можарони бир-бир сўрди,
Бу хилда халқ иттифоқини кўрди.

Мақтадилар Ҳакимжонни ишириб,
Қўйиб эрдилар ишин пишириб.

Ҳакимжонга бўлиб ҳоким ройи,
Деди ким:— қозилик бунинг жойи.

Шокирқораники ҳибс қилди,
Мулла Камол барча мўйин юлди.

Бу масал ким оталмаса сопқон,
Бошу (кети)га тегар отган он.

Бу воқиа, Завқий, эмас ёлғон,
Мулла Камол бўлур шоҳиду бурҳон.

1909 — 1910 йиллар

РОҲЗАН ЭРГАШ

Мулла Эргаш дегани первой рас (раз),
Бўлди «мухторият»да мири асас.

Аҳли Хўқанд ҳама таажжубда,
Сайлади ким они, ким этди ҳавас.

Мен ани раҳзан деб ўйлар эдим,
Бўлса қўрбоши ўзга йўқмиди кас?

Бадхаёлу неча бад андишлар
Яна у ҳукмрон жулусида бас.

Уламо фитнасиға қози Камол
Қўшилиб пес, мохову барча мараз...

Соҳиби зулми бадрафтордин
На одам кун кўрар, на хору хас,

Кўрдик эл ирода-ю хоҳишини
Айлади фили дудмонни магас.

Корвонни бу инқилоб рост йўлга
Еталагай, чолинди савти жарас.

1918

МУЛЛАВАЧЧАЛАРГА

Сиз эшитсангиз, аҳли Фарғона,
Айтайин бир ажойиб афсона,

Расм деб ҳар ишни ҳў қилманг,
Эй хирадманду аҳли фарзона.

Толибу илмсиз, эшитсангиз,
Фасли аср айланмангиз авомона.

Андижон, Мурғинон, Хўқондийсиз,
Е Намангон, Чуст, Косона.

Буни «сак сайр» дер Бухор аҳли,
Ҳеч ярашмас бу феъл инсона,

Ҳам валангу саланг юрмоқни,
Дейди дангаса ёки девона.

Безори-ю чапан ишидур бу,
Боки йўқ нисбат этса ҳайвона.

Кўрғузинг ҳар тарафни, тонг эрмас,
Кўрмаган бўлса ғайри меҳмона.

Истасангиз агар саёҳатни,
Ақлингиз бирла боринг ҳар ёна.

Чорсуларда ҳеч уялмайсиз,
Чапанона юришда саллона.

Субҳ то шом заҳр чой ичасиз,
Кўп зарар, жабр этмангиз жона.

Дарс такрорин айлангиз доим,
Бас қорин тўйса ош ила нона...

Бўлса таътил кунларида қаранг,
Жомию, Бедилу назми девона.

Жомиъ саҳнига яхши жой солиб,
Ўқишинг анда шеър мастона.

Бу насиҳатни мен сиза қилдим,
Меҳрибонликда тенг тутиб жона,

Айламас ушбу пандни сизга,
Отангиз бўлса ё муҳиб она.

Бу васиятни Завқийдин эшитинг,
Ҳикмат ойиндур, ҳакимона.

1912 йил

ТАЪРИФИ КАЛИШ

Бутун оламда энг аъло калишдур,
Кияр одамға хўб забо равишдур.

Нишони ушбудур: тумор тамға,
Тригольничин маълум билишдур.

Енгилтак, иссиғу кўп жонға ором!
Даво ҳар фасли лою даъфи қишдур.

Чапак чолғай гўдаклардек сочиб лой,
Демас тўн шоҳи хоҳ кимхоб кафишдур.

Қадоқ солғай қабартмоқдин аёққа,
Тўпуқдин панжа то яксар харишдур.

Ўрусча махтаса Завқий: хорошо,
Жувон, пир, марду зан монанди ишдур.

1890 йил

О Т И М

(Муқимий билан мушоира)

Бу падар лаънат ҳаром ўлгир отим,
Ҳар қачонким, мен минар бўлмас касал.

Зарра келмас ўзига боққан била,
Емига қўшиб бериб қанду асал.

Етса ўрнидан туrolмас нотавон,
Қилмасам қўйиб пишанг бирлан шатал.

Йўқ табибларким юриб боқтирмаган,
Тортсайди эртaroқ, кошки, ажал.

Тўғрисидин бўлмасин оту улов,
Хўжахондек ҳеч бир одам ўсал.

Эл аро афсоналар қилди, кўринг,
Ҳар тарафдин чиқди минг байту ғазал.

Етмадим Завқий пиёнбозорига,
Эрталин то кечгача қилсам жадал.

О Т И Н Г

Қорвон, қарғай, сенингла мустадом ўлсун отинг,
Жиннилик бобида умри бар давом ўлсун отинг.

Сотмасанг, ё сўймасанг, бундоқ ёмон феълин кўриб,
Нотавон сен бирла дунёда ҳаром ўлсун отинг.

Бизга билдурмай киро қилдинг, бизни алладинг,
Дунёда сен бекафан, бул белажом ўлсун отинг.

Ҳеч ким биздин бўлак минбаъд кулфат кўрмасун,
Умр кўрмай ёки бир кунда тамом ўлсун отинг.

Бўлмаса танбеҳ акангни(нг) панжасин карт узгани,
Ўлдириб сен баччағарни, нек ном ўлсун отинг.

Олға юрмасдин Қароқчиқумда қилди танг дил,
Қоракаш, ҳанги, асов, ҳар ишда хом, ўлсун отинг.

Рўбарў келгани тишлайди қутурган ит каби,
Шатталар толу терак хоҳ бўлса том, ўлсун отинг.

Берма ем, қантар қозуққа, боғла ушлаб думларин,
Тутма асло сув юзига ташнаком ўлсун отинг.

Завқийга ҳамроз Муқимий, Уш келиб Мирзо Умар,
Қори Акрам жонға танбеҳи мудом ўлсун отинг.

1898 йил апрель ёки май

С И Г И Р И М

Бобом жамолига тўйган табарругим сигирим,
Момом висолини кўрган бу бузругим сигирим,

Таважжуҳ айлар эди ҳар кечада шохи била,
Ота-она ва қариндошиму пирим сигирим.

Саҳарда маъраганингдин бўлурди халқ огоҳ,
Теридга сурма қўшиб берди, хирхирим сигирим.

Ажалдин асрадим-у неча кун қамаб қўйдим,
Жаҳонда қолмади мен қилмаган ирим сигирим.

Уларда ғарғаралар айлаб арралар тортдинг,
Тамоми амалга моҳир дурадгорим сигирим.

Охирда йиқилибон кетганингча чалқамча,
Бошингда турдим-у дедимки: «ёпирим» сигирим.

Терингни устида кўп кўнчилар ҳужум этди,
Алар қайиш дедилар, мен дедим қирим сигирим.

Сени(нг) борингда ёнимдин танга кам бўлмас эди.
Ки энди қолмади ёнимда бир мирим сигирим.

Соғар маҳалда момом келса шатталар эрдинг,
Сузонғич узра тепонғичу галдирим сигирим.

Ясан-тусан қилар эрдим суту қатиғни сотиб,
Ки энди қолмади устимда шолпарим сигирим.

Подага борибон алафлара назар солмай,
Теридга иштаҳа сақлаб, такаббурим сигирим.

Подага борса келур эрди ўз аёғи билан,
Адам сари қадам урган қаландарим сигирим.

Суту қаймоқни сотиб, уйга харж айлар эдим,
Ки ризқи-рўзума бўлган сабабгарим сигирим.

Тебратишиб рўзғоримни оқладинг ёвғонимни,
Ки сенсиз эмди қурур бўлди шу жирим сигирим.

Маҳрум этдинг қатиғу қаймоғингдин Завқийни,
Бориб бу зор ила кимга дийин сирим сигирим.

Ф О Н У С

Арзим сенга етишсун, эй катта зўр фонус,
Кел мунда, эмди еткур кулбамға нур, фонус,

Жону дил ила айлай, келганда иззатингни,
Сен бўлмағил тўрамға ул ерда хор, фонус.

Моҳи шарафларида оқшом қилиб риёзат,
Кундуз назардин ўлдингни дўр, фонус.

Бир умр ҳамки қилсанг ҳазратлариға хизмат,
Иқболу толийинг кам, пешона шўр, фонус.

Кўнгулда бўлса ногоҳ мен бирла ошнолне,
Борган замони дарров, чопқила, юр, фонус.

Васфинг эшитганимда хушвақт бўлди кўнглум,
Кўз равшан ўлди сандин, дилга сурур, фонус.

Ҳазрат халога таъйин қилган дебон эшитдим,
Тез қочмасанг ўзинг бил, шўринг қурур, фонус.

Хўб розларини истаб, сўнгра буён қадам қўй,
Сандин вафо тариқи бўлсун зуҳур, фонус.

Бир кеча шамъ ёқсам ҳаргиз шамол қўймай,
Сенсиз камина Завқий кўп беҳузур, фонус.

ПАШШАЛАР

Кечалар уйқу бузиб безор қилди пашшалар,
Ниш уриб жарроҳдек, бемор қилди пашшалар.

Қўймади ёз ойларида зарра роҳат қилғали,
Бошима финг-финг қилиб бедор қилди пашшалар.

Тезроқ ўлсин, бошимизда кечалар чолмай дугор,
Ҳам ашула айтишиб, «гулёр» қилди пашшалар.

Бўлди душман кўнглидек, йўқ зарра одамгарчилик,
Борғали пайкал бошиға зор қилди пашшалар.

Гар таом келтурса тинг-тинглаб қилур овозлар,
Найзасин сўқмоқ билан кўп хор қилди пашшалар.

Ухламай куллий баданга кечаси гарми тошиб,
Ҳар тарафдин жабрини бисъёр қилди пашшалар.

Бир замоне қўймагай ким хоби харгўш айласанг,
Душмани одам ўзин бадкор қилди пашшалар.

Айлади Завқий рақам зарра магасдин шиквалар,
Гарчи меҳмон эрди, зулм изҳор қилди пашшалар.

1874 — 75 йиллар

ПАШШАЛАР

(Муқимийнинг «Қурбақалар» шеърига жавоб)

Қимга бориб арз этайким, дод, қўймас пашшалар,
Уткарур жабрини юз фарёд, қўймас пашшалар.

Пиру муршиди билан бошинг уза ғавго қилиб,
Одам ўглин бир нафас дилшод қўймас пашшалар,

Кечаси оқи урур ниш, кундузида қораси,
Хоҳ пешин, хоҳ намоз бомдод қўймас пашшалар.

Эй худо, берғил омон, зарра магасни(нг) шарридин,
Айла биз ожизга бир имдод қўймас пашшалар...

Бангу кўкнор кайфи бирлан ҳужрада қилдим «ғазот»,
Кўнглими Мингтепадек обод қўймас пашшалар.

Мубтало бўлғил, илоҳо, подшони(нг) дорига,
Учрасанг биттангни ҳам озод қўймас, пашшалар.

Панд берур, ушлай десанг искабтопори доғули,
Гуё иблис ангадур устод, қўймас пашшалар.

Келса меҳмон, Завқий, суҳбатга берур доим ҳалал,
Охири қилмоққа хайрибод қўймас пашшалар.

1898 йил

Д Е М А Н Г

Ҳужжож, Макка аҳлига чуну чаро деманг,
Ҳарчанд зулм кўрарсиз, ҳам оҳ-во деманг.

Зиёрат учун келурсиз бу шаҳри араб учун
Яъни фалонини оқу, фалонини қаро деманг.

Эҳсон этинг ғариблара имкон борича,
Аччиқ сухан била анга сиз бу жазо деманг.

Суратлари агарчи, назарда ҳақир эса,
Бир сўз аларни(нг) юзига бемарҳабо деманг.

Бахшиш деб саиди шайх сизга юз карат,
Ибром айласа они, шилқим гадо деманг.

Таън айламанг бировни бу кашфи вужуд деб,
Бу мағриби, бу ҳинду, бу аҳли жаво деманг.

Ҳар кимсаға бўлмиш насиб ўзга феъли хў,
Бежо бировни(нг) феъли, бировни бажо деманг.

Воизи кўп ҳар гўшада панду насиҳати:
«Ким қўйса бошингизга қадам, босма ҳо, деманг

Қилманг биров шикоятин кимсага бориб,
«Тақдири илоҳи айлади жабру жафо деманг».

Аркони ҳаж шарти эмиш зоди роҳила,
Бир кунга юз сўм истаса, қиймат киро деманг.

Завқий сафар машаққатидин шиква айлади,
Жабр этгучини жонингиза ошно деманг.

1902 — 3 йиллар

ҒАЗАЛЛАР

НАСИҲАТ

Жаҳонда кам суҳан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, балки расвои жаҳон бўлди.

Назокат ортурай десанг, мисоли ғунча хомуш бўл,
Надинким оғзини то очди гул, барги хазон бўлди.

Чаманда арғувондек сурат оро бўлмағинг хуб йўқ,
Пишарда мевасиз шармандадур, сирри аён бўлди.

Дема машҳур бўлмоқ яхши, буғдой донаси пинҳон,
Дарахти¹ қилди жавлон, сарғайиб охир самон бўлди.

Биродар, ол мени(нг) пандимни, ўз қадрингни
синдирма.

Киши ўз иззатини билмади, охир ёмон бўлди.

Агар иззат талабсан камнамолиғ орзусин қил,
Қаю ажнос бисёр ўлса суди йўқ, зиён бўлди.

Садафлар кўп оғиз очмак билан кўкси бўлур ҳоли,
Ки баъзиси лабин кам во қилиб дурри ягон бўлди.

Э Завқий хаста, оғзинг кам очиб, ибрат кўзинг очғил,
Ажабким қўл яқода юргудек турфа замон бўлди.

1906 — 1907 йиллар

¹ Дарахти — бу ўринда буғдой пояси маъносида ишлатилган.

Н Е Т А Й

Ер келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай,
Сарф этарга хазона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Маскани кўз учра десам, мардум аро калон экан,
Таклиф этарга хона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Эски бузуқ харобада чуғздек айладим ватан,
Бир тузук ошъёна йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Манъ этарга келмагин, кўп эмиш истихоралар,
Мундин ўтар баҳона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Таън законлар ўқлари кўксимизи ҳадаф қилур,
Келмагиндин нишона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Журъан жоми васлидин бермаса-бермасун менга,
Базми майи муғона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Кундузи партав афканим бўлмаса шамъи анжуман,
Ваъдаси бир шабона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Жону кўнгулни(нг) торини соз чекарға шунчаким,
Мутриби хуш тарона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Кўзни тикиб қудумига токай ўлурман интизор,
Илмаса кўзга кулбами, келмаса-келмасун нетай.

Ишқ элини(нг) додига солмаса юрту эл қулоқ,
Одили бир замона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Ул кўзи ваҳшимиз буён бўлмаса ром не ажаб,
Завқийда дому дона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

О Ф А Р И Н

(Муқимийга жавоб)

Жоно, жамолингни кўриб, жононлар айтур офарин,
Ўз кўксига ўзи уриб, ёронлар айтур офарин...

Қадди ниҳолингга қараб, абру камолингга қараб,
Шоҳо, висолингга қараб, султонлар айтур офарин...

Булбул санга полон ўлиб, қумри ажаб ҳайрон ўлиб,
Тўти кўриб гирён ўлиб, хушхонлар айтур офарин...

Лутфу карам хонлар берур, дўст-дўстига нонлар берур,
Лаъли лабинг жонлар берур, ўлганлар айтур офарин.

Ишқингда кўп оворалар, борсун қаён бечоралар,
Ҳуснинг аро парвоналар, куйганлар айтур офарин.

Ер келса маҳбубинг бўлиб, бир неча маъқушинг бўлиб,
Мезбон дуогўйинг бўлиб, меҳмонлар айтур офарин.

Завқий қулингни додиға, тун кечалар фарёлиға,
Таҳсин этиб абётиға, жононлар айтур офарин.

К У З И Н Г

Э ниғахбони тағофил, мунча зор айлар кўзинг,
Боқмай ошиқ сориға, ағери ёр айлар кўзинг,
Наргисингиз войким, ҳижрон зимистонидаман,
Қимга боқсанг дафъатан фасли баҳор айлар кўзинг.
Шеваи жаллодлиғ тиргузмас, ўлдирмоқ иши,
Бу нечунким бирни йўқу бирни бор айлар кўзинг.
Бир назарда ақлу ҳушим олди ул бедодгар,
Нақди жонимға тикилгандур, қимор айлар кўзинг.
Мен на танҳо сўрмишам ўт солди олам аҳлига,
Бу ажаб куйдургучидур нури нор айлар кўзинг.
Рўзгорим шамъи рўйнигдин мунаввар қилмасанг,
Манга бу оламини гўё тангу тор айлар кўзинг.
Чини абрўдин хирожу мулки Румдин бож олиб,
Ҳинд шоҳидурки мундоғ кирдикор айлар кўзинг.
Бу на шаҳло чашмлиғдурким қиё боқмай ҳамон,
Бетаваққуф дилни дардидин гўзор айлар кўзинг.
Васл мен Завқийни етгургил Муқимий кўйиға
Печу тоби Фурқатинг хуммори ёр айлар кўзинг.

К Е Л

Эй менинг риштаи жонимга чекилу соз кел,
Айтайин ҳижрон ғамидин мен ҳам анда роз кел...

Айладим булбул каби ҳардам фиғон гулёр деб,
Сен ҳам энди бир замон айлаб менга шаҳноз кел.

Қил тараҳҳум шоми ҳижрон ичра ўтди умрлар,
Офтоби субҳ васлингни қилиб оғоз кел.

Гарчи парвойи пари юзлик оёғинг тортмаса,
Бизни бу вайроналарга айлабон парвоз кел.

Хотиримни маҳвашимни (нг) ёди маскан айлади,
Жилва қил, сен ҳам кўзимга сурати танноз кел.

Ер кўнглин риштасиға оҳанг оҳиста чекиб,
Йўқса айлар лаҳни доводий учун ғаммоз кел.

Азм қил, йўлингга айлай, нақди жонимни нисор,
Бастайи фитроқ қил бошимни, эй шаҳбоз кел.

Хотирингни юрту эл ишқи мушавваш этмаса,
Эй мени мискинга бўлган ҳамдаму ҳамроз кел.

Васл тонги отса деб Завқий қулинг уммедивор,
Келмадинг қишлар, баҳор айёми эмди ёз кел.

АЙЛАБ КЕЛИНГ

Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг,
Янги келинчаклар каби бизга салом айлаб келинг.

Шўхлик қилиб, ўйнаб-кулиб, гул шохига сайраб-
қўниб
Ҳам тўти-ю булбул бўлиб, ширин калом айлаб
келинг.

Султонлигинг изҳор этиб, оҳу кўзинг хуммор этиб,
Ағёрни ҳам бемор этиб, бизни ғулом айлаб келинг.

Ишқ аҳлини шайдо қилиб, душманни кўп расво
қилиб,
Кўзларни ҳам шаҳло қилиб, аср ила шом айлаб
келинг.

Кўрса юзингни, эй пари, ҳайрон қолур ёшу қари,
Борганда дема тур нари, Завқийни ром айлаб
келинг.

Ў Р Г А Н Г А Н

Дўсти ҳамнафас қайда ошнога ўрганган?
Судҳати Масиҳосо ким давога ўрганган.

Мен вафо шиор айлаб, топмадим висоли дўст,
Ҳамнишину улфатлар бас жафога ўрганган.

Носиҳо, сўзинг бас қил, тоқатим тугар тинглаб,
Менму шайху ё мулло, ким риёга ўрганган?

Булҳавас ҳумо бўлса, булбули навогарман,
Ким гули висол истар, ким ҳавога ўрганган?

Ваҳши хотирим билмам ҳар нечук ҳаво айлар,
Мубтало кўнгул қурғур ким навога ўрганган.

Айб айламангиз, аҳбоб, қариса қуйилмас деб
Завқийни(нг) кўзи, кўнгли дилрабога ўрганган.

Қ А Х А Т Л И К

(Маснавий)

Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда.

Паямбар бўлса нон, ош — авлиёдур,
Яна очлик давосиз бир балодир.

Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни,
Не қишлоқу жибол авлоқларни.

Қирилди қанча одамлар вабодин,
Нишона қолмади меҳру вафодин.

Шишиб ўлганни кўмакка киши йўқ,
Ким ўлган бирла одамини (нг) иши йўқ.

Киши боқмас жигар, ҳамсоясига,
Қочиб шафқатки Анқо соясига.

Ўғирлиққа тушиб кимларни ройи,
Гумоҳсиз нечалар қирқилди пойи.

Неча газзоб бўлиб ришватга мойил,
Диёнатли кишилар бўлди сойил.

Шаҳарга келди ҳар ёндин халойиқ,
Қидирғай дардига ким тиби ҳозиқ.

Шаҳар аҳволидин берсам нишона,
Кишилар тентирар ҳарёна ёна.

Ғарибу, бекасу, бечора беҳад,
Бамисли «дол» янглиғ хам бўлиб қад.

Тилангайлар боқиб ҳар ёнга зори,
Гўдаклар, марду зан кетган мадори.

Чаҳорсу, растаю, бозор томонлар,
Хатарли тўпланиб қанча ёмонлар.

Кисабур, дуздлар сиғмас жаҳонга,
Тикиб кўз ҳам қилурлар қасд жонга.

Бировни(нг) парча нонин тортиб олғай,
Бировға молу жондин ваҳм солғай.

Йўқотди нечалар номус-уётин,
Унутди ким шарафли одам отин.

Олиб қочғай саватдин даста нонлар,
Ва ё чайнар солиб оғзиға донлар.

Урар раҳм айламасдин боз аларни,
Бу ожиз, нотавон бечораларни.

Демаслар чорасиз, йўқ ихтиёри,
Бу янглиғ чархи золим қилди зори.

Чиқиб эрдим бугун янги шаҳарға,
Кўзим тушди бу янглиғ шўру-шарға.

Ялангга тўпланибди кўп халойиқ,
Сўз айтур ҳар бири ҳолиға лойиқ.

Қамитет садри, ҳоқим ҳам приступ,
Чиқиб келди аларни қуршади тўп.

Хотин-эркак тушибким орқасиға,
Илиб нимжон боласин елкасиға,

Ҳама шовқун солиб, ким юлди сочин,
Дедилар: «Барчамиз оч, қил иложин».

Бу янглиғ хор бўлғайму оламзод,
Агар қодир эсангким айла имдод.

Хлеб деб телгром берғил ишиға,
Ушал оламини титратган кишиға.

Хабардор айлағил ок подшони,
Билурму кўкка урган дуди оҳни

Ғариб, бечоралар очу яланғоч,
Ғанийлар айтадур: ёндашмағил, қоч!

Қилиб эрдик, ҳоқим бир ишора,
Йиғилди қанча миршаб бешумора.

Боқиб тилмочиға айди ғужурлаб,
Афандим таржима айлар бижирлаб:

— Темур йўллар бузуқ, ёпиқ дўконлар,
Таҳаммул қилсангиз андак замонлар,

Ушал Гирмон уруши тўхтаган он,
Пойизларда келур ошлиқ билан нон.

Фуқаро: хоҳ ўрус, сарт, армани хоҳ,
Мудом оқ подшо ҳолидин огоҳ.

Кими ким кўнглида бўлса ёмонлик
Қилурмиз ҳабс, кўрмас ул омонлик.

Бу сўздин таржимони тўхтаган чоғ,
Қамитет садрини(нг) кўнгли бўлиб чор,

Такаллум айлади воиз каби ул,
Билиб гўёки жойиздек каби ул

«Бўлур ҳалво сабрдин гўралар ким,
Топур бахт собири мастуралар ким,

Бориб уй-уйга айланглар дуони,
Худойим асрасин оқ подшони».

Жавобиға халойиқ қилди фарёд,
Қишига бермади нафъ нола-ю, дод.

На бўлғай эрди каждор, эй замона,
Мурувват айласанг топиб баҳона.

Фарибларни(нг) муродин ҳосил этсанг,
Фақат «қут-лоямут»ға восил этсанг.

Баҳор борони ҳам бенам бўлурму
Ҳисобсиз неъматинг ё кам бўлурму,

Ва ё хор айламай мундор жаҳонни
Қаро ер остиға жо қил бу жонни.

Қулоқлар ҳар тарафда кеча-кундуз,
Фалакда бор эмиш қуйруқли юлдуз,

Агар эҳсон. дариф тугсанг башардин,
Фалак тоқинг ушалсин шўру шардин.

Еқангни ушла, Завқий, ибрат олғил,
Халойиқ меҳрини кўнглингга солғил.

1916 йил баҳори

МУХАММАСЛАР

АЖАБ ЭРМАС

Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас,
Бу давлат сув юзинда бир ҳубоб ўлса ажаб эрмас,
Кўринса сурату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас,
Очилса пардалар юздин ҳижоб ўлса ажаб эрмас.

Насими жонфизо бемор танга, эй сабо еткур,
Хазон пажмурда бўлганларга сан обу ҳаво еткур,
Қўй энди биз билан бегонани бир ошно еткур,
Гадомиз бошлар узра соялар солсун Ҳумо еткур.
Муқаррардур замона инқилоб ўлса ажаб эрмас,

Шиори шаръ бирлан зийнат афзо ўлса Фарғона.
Тонг эрмасдурки шаҳри жаннат асо ўлса Фарғона,
Ҳавоси руҳпарвар ҳам дилоро ўлса Фарғона,
Жаҳон аҳлига гўё дафъи савдо ўлса Фарғона,
Бўлиб тупроғи анбар, сув гулоб ўлса ажаб эрмас.

Ўтиб бир қарн, ақроним, жаҳон обод кўргайсиз,
Жаҳон аҳлини золим ҳаддидин озод кўргайсиз,
Гирифтори алам эрмас, ҳамани шод кўргайсиз,
Бурунги ўтгану кетган кўнгулда ёд кўргайсиз,
Қариган чоғда Завқий бир шабоб ўлса ажаб эрмас,

1916 йил.

МЕН КИМГА ДЕЙ

Дилдаги розимни, э боди сабо, мен кимга дей,
Сен кўнгул сиррига маҳрам ошно, мен кимга дей,
Чекканимни зулму бедоду жафо, мен кимга дей,
Ҳасратим кўп, бир парига мубтало мен кимга дей,
Ишқида куйган юрак бағрим адо, мен кимга дей.

Қайда зикри шаҳд этай, ширин мақолимни демай,
Гулни(нг) васфи йўқ керак, рухсори олимни демай,
Сарвлар фикри керакмас, навниҳолимни демай,
Ҳусн мулкин шоҳи бўлса арзи ҳолимни демай,
Термулиб йўлидаги ётган гадо, мен кимга дей.

Андалиби боғ ўлиб илҳон чекардин тинмадим,
Гоҳ-гоҳи нолаи пинҳон чекардин тинмадим,
Савти гулбонги садо нолон чекардин тинмадим,
Гул юзингни шавқида афғон чекардин тинмадим,
Бу чаманда булбули дostonсаро, мен кимга дей.

Қўрқмаган кимдурки ошиқларни оҳи сардидин,
Бестун тоғидаги Фарҳоди ғам парвардидин,
Бу жунун саҳросида Мажнуни олам гардидин,
Ақл носих, ишқ бебок иккисини(нг) дардидин,
Айта олмай ҳеч кимга бу можаро, мен кимга дей.

Соқиё, садқанг бўлай, бир нўш тутғил Завқийға,
Йўқ ғалат дерман шароби хуш тутғил Завқийға,
Риндлар ичра майи мадхуш тутғил Завқийға,
Гарчи икроҳи табиат гўш тутғил Завқийға,
Сенга демай арзи-қолим, дилрабо, мен кимга дей.

КҮЗ ОЧАЙЛИК

Фурсат ғанимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик,
Саъи ила жону дилда ҳимматга кўз очайлик,
Номус, диёнат истаб ғайратга кўз очайлик,
Фанни(нг) ривож бирла санъатга кўз очайлик,
Умр ўтди зулмат ичра ғафлатга кўз очайлик!

Ул кунда бошга тушган савдони ҳеч унутманг,
Кўрган қиёмат ойин ғавғони ҳеч унутманг,
Ҳар кимса онт ичарлик даъвони ҳеч унутманг,
Бу вақт бирлан эмди уқбони ҳеч унутманг,
Юрт-элга жону дилдан хизматга кўз очайлик!

Зулматда ётган элни(нг) ёндурдилар чароғин,
Маҳкам тутинг, бу фурсат қиймат анинг яроғин,
Истанг амаллик олим-раҳбарларин сўроғин,
Очинг аҳолиларни(нг) ғафлатда кар қулоғин,
Бас эмди сусткашлик, журъатга кўз очайлик!

Истанг ҳуқуқ илмин, якранг эмиш ҳукумат,
Бўлса ривож ҳар бир касбу ҳунарга рухсат,
Жонларга қўйса миннат, истар кишига раҳмат,
Уйқудин уйғотинглар ҳожат талаб раият,
Бемор аср ўтти сиҳҳатга кўз очайлик!

Уммидимиз гули ҳам бу навбаҳор очилди,
Қон ёшлар оққанига юз лолазор очилди,
Шод ул, халойиқ, охир лайлу наҳор очилди,
Сармаст эдик ҳамиша эмди хумор очилди,
Ҳушёр ўлиб муваққат суҳбатга кўз очайлик!

Битсин, ҳамият айланг, бу хор-зор очлик,
Айлайди меҳнат аҳлин кўп бемадор очлик,
Кимни қилиб бечора, кимларни бор очлик,
Қишлоғу шаҳримизга бўлганми ёр очлик,
Бу шум бало йўқолсун, иллатга кўз очайлик!

Қонлар тўкилгач ўлди равнақ физо ҳуррият,
Қилди замона сайқал, топди жило ҳуррият,
Қишлоғу шаҳр эшитсун, қилди нидо ҳуррият,
Йўл бошлади тутиб қўл бу раҳнамо ҳуррият,
Кўп йил азоб чеккан меҳнатга кўз очайлик!

Бўлгон вакил бизга, эй мутлақул-инонлар,
Қутлуғ, муборак ўлғай ҳол ўзгариш замонлар,
Бу халққа бўлсангиз гар энг яхши посбонлар,
Сарф айланг ушбу йўлда бош бирла нақд жонлар,
Бир иш қилингки, Завқий, ҳайратга кўз очайлик!

1917 йил март, апрель

ФАРҒОНА

Эшитинг қиссаи мен айлайн изҳор Фарғона,
Куйиб хокистар ўлди жумлаи бозор Фарғона,
Мисол оташ билан бўлди, кўринг, гулзор Фарғона,
Хуружи (ўғри)лардин тортадур озор Фарғона,
Халойиқлар кўзига бўлди эмди тор Фарғона.

Бериб фатво урушинглар демай қози Камол ўлсун,
Ҳамани йўлдин оздирган ўшал фосидхаёл ўлсун.
Бўлиб «шўро»га аъзо бетамиз бир неча мол ўлсун,
Яна Абдурашид ул хангги хардек оқсақол ўлсун,
Нугун иқбола тушди толиъи идбор Фарғона.

Ўзидур бир фалокат хона-ю номи эрур «шўро»,
Келиб бир неча бою (бачча)лар бўлди анга аъзо,
Яна «мухторият» деб фитна-шўришлар қилиб пайдо,
Ажабким роҳзану газзоб қўрбоши эрур гўё,
Ани(нг) номини шарҳига қилурман ор, Фарғона.

Сипоҳисиз амири лашкари анда Чаниш бўлди,
Раис жумҳури алқисса Чўқаев занчалиш бўлди,
Қилишди салтанат даъвосини, охир, на иш бўлди,
Қочиб бадномлари юрт-эларо кўп сарзаниш бўлди,
Паноҳ элтарга сичқонлар ини ҳам тор, Фарғона.

Кима дод айлайн аҳли ҳукумат бўлса Одил кўр,
Кўп одам қонига зомин бўлиб бу аблаҳ жоҳил кўр,
Урушни бошлади, қочди, ўзи бўлмай муқобил кўр,
Писиб билмамки кетди Афғон ичра, балки Кобил
кўр.

Юриб ғурбатда, ҳаргиз кўрмасин дийдор Фарғона!

Ҳукумат ичкарида, ўғрилар саф тортди саҳрода,
Олиб қўрбоши, понсод номини неча ҳарамзода,
Отиб ўқ халқига посинамак ном олди дунёда,
Бўлиб мағлуб қочди, ўлди оқиб кўпи дарёда,
Қочишди сулҳга келмай, ҳар тараф ночор, Фарғона.

Писиб бўри каби кундуз тўқайзор ичра юргайлар,
Тун оқшом босма деб отин шаҳар, қишлоққа
сургайлар,

Йиғиб мардумни(нг) моли бирла ишрат-базм
қургайлар.

Шаҳардин чиқса ким «тўртинчисан» деб қийнаб
ургайлар.

Неча бераҳм золим дастидан эл хор, Фарғона.

Тирилтирмоқ бўлиб аввал кўмилган хону бекларни,
Ўлим чоҳига солди босмачилар бу тирикларни,
Ҳисобини билиб бўлмас куйиб ўлган ўликларни,
Шукурким, тангри еткизди мададга большевикларни,
Илоҳо бахт-толий бўлсун эмди ёр, Фарғона!

1918 — 19 йиллар.

ЮЗИНГНИ КҰРСАТИБ

Юзингни кўрсатиб аввал, ўзингга бандалар қилдинг,
Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг.
Жамолинг партавин сочиб, ажойиб жилвалар қилдинг,
Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар
қилдинг,
«Сенга мен то қиёмат ошно», деб ваъдалар қилдинг.

Қани менга вафойи аҳд қилгонинг, гули ғунча?
Қани булбул сифат олдингга тургоним очилгунча?
Қани бизларга ҳамсуҳбат рақиблардек тонг отгунча?
Сани дарду фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,
На деб, э меҳри йўқ, мен хаста қулга ғамзалар
қилдинг,

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,
Тикондек суҳбатингда бир гули норинг бўлурман деб,
Жафони сенга оз айлаб, вафодоринг бўлурман деб,
Умидим кўп эди ёлғиз харидоринг бўлурман деб,
Ажаб ким халқ ичида булҳавас деб шиквалар
қилдинг.

Менга мардумлар айди: «Берма кўнгил бевафо ёра,
Сени овора айлар, аҳди ёлғондур ситамкора,

Вафоси йўқ, ишонма сўзига, шўхи жафокора»,
Дедимким, носихо, инъоми кўпдур ошиқи зора,
Нетай, э бемурувват, охири шармандалар қилдинг,

Тариқи ошнолиғни бузиб номехрибон бўлдинг,
Мени жононим эрдинг, энди кимга жонажон бўлдинг,
Неча кун менга улфатлик қилиб оромижон бўлдинг,
Кўзимни мардумида неча соат меҳмон бўлдинг,
Қаландардек танимға ғам ҳаририн жандалар қилдинг.

Кима айтиб, кима йиғлай бу золим ёр жафосини,
Ҳақиқат қилмаса маъшуқ деган ошиқ хатосини,
Ҳамиша фурқатин тортсам, рақиб кўрса вафосини,
Қаю Лайлисифат мундоғ қилур Мажнун гадосини,
Юзингни бир кўрай десам қўлингни пардалар қилдинг.

Агар билсам эди бегона бўлмоқ ихтиёрингни,
Бошимга солмас эрдим, беҳуда савдойи корингни,
Ҳама айтур нечук қилдинг, ўшал мастона ёрингни,
Кўнгулда гинаси бор, арз қил аҳволи зорингни,
Солиб бўйнимга ҳажринг занжирин бадкардалар
қилдинг.

Юрогим рахна бўлди, бас қил истиғнони, жононим,
Фироқинг торта-торта ёшлигимда кетди дармоним,
Арозингни қўйиб, лутф айласанг ҳеч йўқдур армоним,
Кўзим нури, танимнинг қувватисан, эй дилоромим,
На хўб бир неча кун Завқий қулингга шевалар қилдинг.

ЗАБОН ОЧДИМ

Забон очдим, қилай тавсифини аввал қалам қоша,
Насибинг бу эрур деб солди ҳижрон захридин оша,
Қилибдур ваъда мендин ёшурун бир-икки ўйноша,
Кима дод айлайин, ёр ўлди ёрим неча авбоша,
На суд эмди фиғону нола қилсам бош уриб тоша.

Қачонким хор янглиғ гул рухинг васли аро бўлдим,
Жудолик ихтиёр этганда мен япроғ каби сўлдим,
Самуми ғам келиб тегди, алам борониға тўлдим,
Видоний қилдим, кўргил, қаро бахтимни ким ўлдим,
Муяссар бўлмади юзина боқмоқ кўз тўлиб ёша.

Насиҳат этмагил, аҳли фасоҳат, айлама таън ҳам,
Фидо қилдим нигорим йўлида жоним била тан ҳам,
Кўриб ҳар лаҳзасин таън этмагил, содда эмас ман ҳам
Мени айб этма, бердинг нақди жон деб, зоҳидо, сан ҳам
Эрур савсар олиб ой эгри қўйса бўркини боша.

Қаю жонбоз ошиқ жонини жонона бермишдур,
Фироқи фурқати ҳижрон ўтина ёна бермишдур,
Гадоларга азал султони бир дурдона бермишдур,
Фами ишқинг кўнгулни захм айлаб қона бермишдур,
Ажабдурким; саховат айламиш султони қаллоша.

Умид айла Муқимий кўйида кўп нола қилурди,
Топиб фурсатни Нусрат тиғи Фурқат бирла тилдурди,
Ушал Муҳий қушиға Нисбатий Завқийни илдурди,
Ниҳон дардингни кўз қон ёш тўкиб оламға билдурди,
Гирифтор ўлмасун Ғозий каби ғаммоз йўлдоша.

Д Е М И Ш Х О Н

Чекиб ҳасрат демиш хон, шаҳри Хўқандимдин
айрилдим.

Иним Султон Муродбек эрди пайвандимдан айрилдим,
Ки Насриддин деган шахзода дилбандимдин айрилдим.
Яна Урмонбек отлиқ яхши фарзандимдин айрилдим,
Бошимда тож, белим узра—камарбандимдин айрилдим.

Кўриб давлат ғурурин юрту элдин беҳабар бўлдим,
Заволини кўриб, дўстлар, хазондек ғам билан сўлдим.
Гуноҳсиз нечалар мўю сақолин тердириб юлдим.
Мукофотин кўриб, дўстлар, ажал келмай тирик ўлдим.
Қолиб бу ерда ғамлар бирла, хурсандимдин айрилдим.

Чиқардим бидъат ишларни хазина бўлса шояд деб,
Ижора бирла так жойи олурдим тўлса шояд деб,
Хушомадгўйларим ўргатдилар хон кулса шояд деб.
Фақир бечораю бехонумонлар ўлса шояд деб,
Ёмонлар сўзи бирла яхшилик пандимдан айрилдим.

Кауфманга муросо деб қилурдим ошнолиғни,
Кўтарди ул кўнгилнинг хонасидан рўшнолиғини.
Шариатга солиб рахна қилардим беҳаёлиғни,

Бериб султонлигимни, мен сотиб олдим гадолиғни.
Хазина ичра ях дону саноч ганжимдин айрилдим.

Хароб ўлдим бу ерда билмадим ободлиқ қадрин.
Кишига қул бўлиб билдим бугун озодлик қадрин,
Кўриб меҳнат машаққатлар билибман шодлик қадрин.
Шикоримдан қолиб фаҳм айладим сайёдлик қадрин.
Қўлимдан кетди давлат оҳуси сайдимдан айрилдим.

Васиқа бузғаним, албатта, бошимга бало бўлди.
Тушиб эл ичра говго шўру шарга мубтало бўлди,
Раият тортди тиғ шоҳига, найлай, беҳаё бўлди.
Тутиб Офтобачи бирла ҳамма лашкар адо бўлди.
Заҳар бўлди еган ошим, ширин қандимдин айрилдим.

Менингдек ҳеч мусулмон хонавайрон ўлмасин ҳаргиз
Қидирмиш — қилмишига ҳеч пушаймон ўлмасин ҳаргиз,
Хижолатдин юрак-бағри тўла қон ўлмасин ҳаргиз,
Худоёрдек яна ҳеч бандаси хон ўлмасин ҳаргиз,
Хусусан Мурғунону Завқий жон Андимдин айрилдим.



САЁҲАТНОМА ВА МАКТУБЛАР

ШОҲИМАРДОН ХОТИРАСИ

Бу равзага кимки келиб,
Бир кечаси меҳмон экан.
Умрида бир кўрган киши
Ўлганда беармон экан.

Икки тарафдин сой денг,
Кўм-кўк мусаффо чой денг,
Ҳар дам ичиб ҳой-ҳой денг,
Оби ҳаёти жон экан.

Осмонга қўйган нардбон,
Чиқсанг тамошо бир жаҳон
Наҳри улуғ, ҳар сўй равон,
Кўрмакка кўз ҳайрон экан.

Келдик етиб моҳи ражаб,
Ҳар ким кўрар айлар ажаб,
На порс кўрган, на араб,
Бир жаннати ризвон экан.

Болода танг-танг кўчалар,
Тургайки, шайху хўжалар,

Келса товуқ ҳам жўжалар,
Езмоқда дастурхон экан.

Бад шаклу бадхў, баднамо,
Ботинда кийна, фисқ, риё,
Қим учраса шилқим гадо
Суллоқ озори жон экан.

Саҳни ажойиб хушҳаво,
Ҳам руҳпарвар, жон физо,
Хушбў кўринган ҳар гиёҳ,
Жамбил билан райҳон экан.

Қабиклари бўйнин чўзиб,
Юз савт ила нағма тузиб,
Булбул наволар кўргузиб,
Тўтиси хуш илҳон экан.

Бўлса керак бул тоғлар,
Кам-кам чиройли боғлар,
Ҳеч кимса кўрмас доғлар,
Кўнгли аро қолган экан.

Завқий келиб кўп турмади,
Турса рафиқлар қўймади,
Оё насиба бўлмади,
Эҳроми Учқўрғон экан.

1888 йил.

ЗАВҚИЙНИНГ ФУРҚАТГА МАКТУБИ

Жонимға тоб солди сўзи фироқ Фурқат.
Кел ким, хароб қилди бу иштиёқ Фурқат.
Қосид етур паёмим, ҳар ерда топсанг они,
Завқийни тоқатини кўп қилма тоқ Фурқат.

1898 йил. Ви.

ФУРҚАТНИНГ ЖАВОБИ

Кездим жаҳонни қолмай Шому Ироқ, Завқий,
Бир топмадим сенингдек аҳли вифоқ Завқий.

Шавқи висолинг ила ҳаргиз қарор йўқдур,
Жонимни ёқди ҳажру кўнглум фироқ, Завқий.

Саргашта ҳолатимдин воқифлиғ истар эрсанг,
Ибрат кўзини очуб гардуна боқ, Завқий!

Ҳаргиз чароғи айшим нуру фуруғи йўқтур,
Кўп кечалар кечурдим сандин йироқ, Завқий.

Ширинлиғидур аччиғ бу даҳр рўзгори.
Ҳар кимки ўлса чеккай аҳли мазоқ Завқий.

Заввори сойирам бан бир кун насиб ўлурса,
Етгум зиёратингга этма мароқ Завқий!

Таън этма, деб дилида йўқ меҳри ошнойя,
Ҳолим санга эмазму охир синоқ, Завқий?!

Иқболи норосою маъюс толиъимдин,
Бир оз шикоятим бор, солгил қулоқ, Завқий:

Машраб каби бўлибман, олам кезиб қаландар,
Илмай кўзимга асло тожу равоқ, Завқий!..

Слти ададла ўлди хатми калом, йўқса,
Таҳрир этиб гуганмас шаҳри фироқ Завқий.

Муҳйи. Муқимий. Нусрат. аҳбобимиз Муҳаййир,
Фурқат чекар қомуя чўх иштиёқ Завқий.

ЛУҒАТ

А

- Авбош* — бебош, саёқ, дайди.
Адно — паст, тубан.
Ажнос — 1) турлар, хиллар, жинслар, 2) матолар, кийим-бош.
Азл ахбори — мансабдан тушириш хабари.
Азм этмоқ — ирода, қасд қилмоқ. Бормоқ, кетмоқ, сарфарга жўнамоқ.
Амвол — моллар, буюмлар.
Аъмол — амаллар, ишлар.
Анжуман — мажлис, йигин.
Анис — дўст, улфат, яқин ўртоқ.
Арозий — ерлар.
Асбобу алойиқ — асбоб-ускуналар.
Ахмар — қизил, қизилроқ.
Ақрон — тенгдошлар, тенгқурлар.
Ағниё — ғанилар, бойлар, пул-мол, дунё эгалари.

Б

- Бадкарда* — қилмиши ёмон, эл-халқ орасида ёмон ном олган.
Бадгуфтор — ёмон сўзларни кўп ишлатувчи.
Бадмужаллад — ёмонлик блан танилган, бирорта яхши фазилатга эга бўлмаган.
Бадрафтор — ёмон юрувчи.
Бадшакл — хунук, беўхшов.
Бадҳаво — ёмон орзу, хунук қилиқ, ярамас майл.
Базми анжуман — кўп киши қатнашган базм.

Бокира — ёш қиз, бўйга етган қизлар маъносида (Ба-
корат қизлик).

Балоангез — бало қўзғатувчи, офат келтирувчи.

Барахна — тамом аъзоси очиқ, яланғоч.

Боримта — қарздордан қарз ҳисобига бирор нарсани
тутиб олиш, гаров.

Бақар — мол: сигир, ҳўкиз (эскича йил ҳисобининг ик-
кинчиси).

Бекас — кимсасиз.

Белажом — югансиз.

Бемарҳабо — ҳурматсизлик, келган меҳмонни очиқ чеҳ-
ра билан кутиб олмаслик.

Бехирад — ақлсиз, эси йўқ.

Бетаваққуф — тўхтамасдан, тўхтовсиз.

Бодунё — дунёдор, мол-дунёли.

Боз — 1. Лочин, 2. Яна, тағин, 3. Сўз бирикмасида ўй-
новчи, ўйнатувчи маъносини ифодалайди.

Бодпарак — варрак, парпарак.

Бодрафтор — қадимги жангномалардаги айёр Доғули-
нинг лақаби.

Борон — ёмғир.

Булҳавас — кўнгли нимани ҳавас қилса, шуни қилмоқ-
ни орзу қиладиган.

В

Вазиз — 1. Паст, тубан, 2. Оддий халқ.

Воиз — ваъз айтувчи, маддоҳ.

Г

Газзоб — ўғри, муттаҳам, ярамас.

Ганж — қиймат баҳо нарсалар (олтин, кумуш, лаъл,
ёқут ва ҳоказо); бойлик, хазина.

Гарониш — пристав, полиция мансабдорларидан.

Гардун — осмон.

Гарми — иссиғлик (ёз иссиғида инсон баданига тоша-
диган нарса).

Гурба — мушук.

Гўрбон — мазор (гўристон) қоровули.

Гўш — қулоқ, гўш қилмоқ — тингламоқ, эшитмоқ,
қулоқ солмоқ.

Гўша — бурчак, хилват, чекка жой.

Д

Даврони нофаржом — оқибати ёмон, тугалган давр.

Дайр — 1. Бутхона. 2. Маж, майхона. 3. Дунё.

Далқ — дарвишларнинг жундан тўқилган бир хил кийими.

Дамсоз — дўст, энг яқин суҳбатдош.

Дастибайъат қўймоқ — қўл беришиб аҳд-паймон қилмоқ.

Доман — этак, ўнгир.

Дорулқазо — қозихона, қози маҳкамаси.

Доғуливаш — алдамчи намо, айёр каби.

Дудмон — хонадон, оила.

Дузд — йўл тўсар, ўғри.

Душвор — қийин, оғир, мушкул.

Ж

Жавҳардор — ялтираб, живирлаб туралган, жилвади.

Жаво — Ява ороли; аҳлижаво — Ява оролида яшайдиган халқ, явалик.

Жибол — тоғлар (бирлиги жабал).

Жувон-пир — ёш-қари.

Жулус — ўлтириш, мажлис, Завқий бу сўзни амалмансаб маъносида ҳам ишлатади.

Жўрға — бир ютум бир қултум ичимлик.

Жўшна — 1) қайнаш; 2) маж. Гулгула, ғавфо, тўполон, тўлқин.

З

Заввор — зиёратчи, саёҳатчи.

Закийтабъ — зийрак, фаросатли, нозик ақл.

Зери даст — қўл ости, бўйсунувчи.

Зиндалак — бир турли хавфли яра.

Зоди роҳила — йўл озиғи.

Зол — 1. Араб алифбесидаги бир ҳарфнинг номи,
2. Кампир, маккор кампир.

И

Ибром — қисташ, қаттиқ талаб, ишонч. эътиқод маҳкам.

Идрас — русча *эдравствуйте* (салом) сўзининг бузилган формаси.

Иззу-шараф — эъзоз-икром, ҳурмат, мақталиш.

Икроҳ — 1. Жирканиш, хунук ҳисоблаш, 2. Бировни зўрлаб бир иш қилдириш.

Истихора — диний тушунчага кўра, кўнгилдаги мақсаднинг ҳосил бўлиши ёки бўлмаслигини билиб олиш мақсадида туш кўриш учун ният қилиб ухлаш, туш орқали фол кўриш.

К

Кабик — каклик.

Кавкаб — юлдуз.

Камак — алдамчи, фирибгар, айёр.

Канора — 1. Кирғоқ, чет, 2. Қучоқ.

Камсухан — одобли, эсли, кам гапирувчи.

Карат — бир неча мартаба.

Кашфи вужуд — тошбақага ўхшаш, хунук, сурилиб юривчи.

Кеттичи — аттор, ҳар хил нарсалар (игна, сақич, упаэлик, тишқоли ва бошқалар)ни эшакка ортиб, қишлоқма-қишлоқ сотиб юрадиган майда савдогар.

Ком — 1. Тилак, истак, мақсад, 2) баҳра, баҳра олиш, 3) танглай, ҳалқум.

Комрон — 1) ўз мақсадига эришган, бахтли, 2) ҳоким, ҳукмронлик қилувчи.

Корроз — ишбиларман, маҳмадона.

Корубор — иш-куч, машғулот.

Куллий — ҳама, ҳамма; умумий.

Л

Лаин — лаънати.

Лайлу наҳор — кеча ва кундуз.

Лаҳн — куй, ашула, сайраш; лаҳни довудий — ёқимли ашула айтиш, хушовозлик маъносида.

М

Маъво — бошпана, турар жой.

Мадҳуш — ҳушдан кетган, беҳуш, маст.

Маъжун — бир қанча дориворни бирга қўшиб ясалган, кайф берувчи қуюқ дори.

Мажуси — ўтга топинувчи.

Маъзул — бўшатилган, ўрнидан бекор қилинган.

Магас — пашша.

Макарнаж — эчкемарнинг каттаси, тимсоҳ.
Манзилат — даража, лаёқат, қадр, мартаба.
Масих — Масихо, — Исонинг лақаби.
Маъсият — гуноҳ.
Мастур — бекитилган, яширинган, махфий.
Мақдам — қадам қўйиш, қадам етказиш, қадам.
Маҳак — кумуш ва олтинларга суртиб, уларнинг тоза-
 лигини ажратадиган тош.
Маҳзар — даъво хати, ариза.
Мозий — ўтган, ўтган замон.
Мофавқ — уст, ҳар бир нарсанинг юқори томони.
Мурид — тўғри йўлга солувчи, йўл кўрсатувчи.
Мусалло — 1) Жойнамоз. 2) катта мачит, намозгоҳ.
Мусаххар — тасхир (забт) қилинган, ўзига қаратил-
 ган, бўйсундирилган.
Мустадом — давомли, доимий, узлуксиз, ҳамиша.
Мутлақул — инон-жилови бўшатирилган, ўз эркига қў-
 йилган.
Муҳолиф — тескари, қарама-қарши.
Мушавваш — ташвишли, бесаранжом, кўнгли паришон.
Муғанний — ашулачи, созанда, чолғувчи.
Муҳиб — севувчи, дўст тутувчи, меҳрибон.

Н

Наврас — 1) янги ўсиб келаётган, ёш, 2) янги етишган
 ўспирин.
Навҳа — товуш чиқариб йиғлаш, мунгли йиғи; нола.
Надом — надомат, пушаймон.
Наҳси акбар — наҳслик юлдузи, офат келтирувчи,
 ёмонлик симболи.
Нор — 1. Ут, олов; 2. Дўзах.
Нигун — эгилган, тўнтарилган, букилган, тубан.
Нигунсор — остин-устун, ағдарилган.

О

Обдор — тиниқ, соф, ялтироқ; 2) серсув.
Ойжабин — ойга ўхшаш, ой юзли, гўзал.
Оламгир — дунёни қўлга олувчи, жаҳонгир.
Осиё — тегирмон.
Оғоз — бошланиш, киришиш, ибтидо; оғоз қилмоқ —
 бошламоқ.

П

- Пажмурда* — 1) Сўлғин, буришган, 2) ғамгин.
Партав — ёруғлик асари, нур, шуъла, порлоқлик.
Печу тоб — 1) тўлғаниш, изтироб, 2) маж, сиқилиш, қийналиш..
Подош — жазо, бадал.
Пуранвор — нурли, нурга тўлиб етишган.
Пиргуноҳ — гуноҳкор, гуноҳи кўп.
Посид — ёмон, ярамас, бузуқ, посид хаёл.
Посинамак — кўрнамак, туз ҳақини оқламаган.
Поягир — 1) оёқ остида айланиб юрувчи; 2) босқич, мартаба, қадр, даража тонган.

Р

- Равнақфизо* — ялтиратувчи, портлатувчи, кўркамлан-тирувчи, ривожлантирувчи.
Рақжигарон — оғир касаллик, эзилганлик.
Рафиъ — юксак, баланд.
Рафъи иштибоҳ — шубҳани ўртадан кўтариш.
Ринд — нозик табчат, олифта, бепарво, салтсувой.
Ришват — пора (бир ишни битириш учун амалдорнинг яширин ва ноҳақ равишда оладиган пули ва ашёси).
Ришхўр — Соқол ёки мўйловини қайириб оғзига солиб чайнаб юрадиган одам.
Рокиъ — бошини эгувчи, икки букилувчи.
Роҳзан, *Раҳзан* — йўл тўсар, қароқчи, ўғри.
Роҳи равиш — йўл йўсин.
Рўз — кун, кундуз.
Руҳинайранг — хийла-найрангга ўрганган кўнгил, му-ғомбирлик, ҳийлагарлик.

С

- Савт* — товуш, овоз, шовқин, оҳанг, куй, мақом.
Савти жарас — қўнғироқ овози (карвон туяларининг бўйнидаги қўнғироқ овози).
Садр — баланд, юқори жой, раис.
Саёзбоши — бош қози, етти-саккиз қозининг бошлиғи.
Сайд — овчи.
Сайқал — жило, ялтираш;
Самак — ер ости демак, катта балиқ.
Саманд — от, саман, сариқ от.

Сарафроз — юксак, юксалган, ҳаммадан устун, улуғвор;
 хурсанд, қувноқ, хушвақт.
Сарбасар — бутунлай, бошдан-оёқ.
Сарзаниш — 1) койиш, жазо бериш, 2) танбиҳ, 3) таъ-
 на.
Саҳоб — булут.
Сеяк — учдан бир.
Симоқ — юлдуз номи (русча: Арктур); бу юлдуз эски
 мунажжимларнинг фикрича бахтиёрлик белгиси.
Сифла — паст, пасткаш, хасис.
Собир — сабр қилувчи, чидамли.
Сойил — 1. Тиланчи, гадоӣ. 2. Савол қилувчи, сўровчи.
 учувчи, барқарор, тебранмас; 2. Исботланган.
Соҳибузулм — зулм қилувчи, золим.
Сўйисамо — кўк томон, осмон томон.
Суханрас — яхши сўзловчи, нутқи равон.

Т

Таважжуҳ — юзланиш, юзни бир кишига, ёки бир то-
 монга қаратиш, хайрихоҳлик билан қараш.
Тавсан — шўх от, ўйноқи от.
Тавқи лаънат — лаънат ҳалқаси, халқ орасида сазойи
 бўлиш.
Тали — теридан қилинган нос идиш.
Такъя — 1) суянчиқ, ёстиқ, 2) дарвишларнинг махсус-
 турар жойи; умумий ётоқхона.
Таръёк — 1) афъюн; 2) заҳарга қарши дори.
Тарҳ — қурилиш, тузилиш, режа.
Тарҳи жаҳон — жаҳоннинг таркиб топиши; жаҳон ту-
 зилиши.
Тиб ҳозик — моҳир табиб.
Тийнат — характер, хулқ, табиат.
Тийра — қоронғи, қора.
Тийрандоз — ўқ отувчи, мерган.
Тишқоли — тишни қорайтирувчи махсус модда.
Толеиш ибдор — толеи паст, бахтсиз.
Торик — қоронғи.
Тужжор — савдогарлар.

У

Узлат — чекиниш, кишилардан четланиш.
Уммисибъён — ажина, алвасти, дев,

Ф

- Фарзона* — билимдон, донишманд.
Фасона — 1) ҳикоя, эртақ, дoston, саргузашт; 2) афсона, уйдирма.
Фасли аср — аср (кун ботиш олди).
Фасоҳат — сўзнинг очиқ, равшан, равон, ёқимли, қондага мувофиқ бўлиши, услубнинг чиройлилиги.
Фили дамон — ғазабли, маст фил.
Фитрок — юк боғлаш учун эгар ёнига осилган тасма.
Фуруғ — ялтираш, ёруғлик, равшанлик, шуъла.

Х

- Хайрбод* — хайрлашиш, хайр-хўшлашиш, видоълашиш.
Хаффош — кўршапалак.
Хирқапўш — хирқа кийган, дарвиш, қуроқ тўн киювчи.
Хокипо — оёқ ости; топталган, хор қилинган.
Хокистар — кул.
Хома — қалам, ручка
Хориқ — одат, одатдан ташқари, каромат, муъжиза.
Хуршид — қуёш.
Хуш илҳон — чиройли овозли, яхши куйловчи, ашулачи.
Хушхон — яхши сўзловчи, яхши куйловчи.

Ч

- Чароким* — негаким, нимагаки...
Чархи кажрав — тескари айланувчи чарх (дунё).
Чова — ёғ идиш, ёғ жўва.
Чоғир — май, ичкилик.
Чўға — бойқуш, бойўғли.

Ш

- Шабоб* — ёшлик, йнгитлик.
Шангбаста — пойафзалга шанг қоқиш (бу ўринда бир ерда туриб қолиш маъносида ишлатилган).
Шар — ёмонлик, гуноҳ.
Шатад — 1) чўтал; 2) қимордан ютилган пулдан бир оз қисмини ҳозир бор кишиларга берилгани.
Шева — одат, равиш расм; шеваи атвор — феъл-ҳаракатлар.
Шош — Тошкентнинг эски номи.
Шаҳбоз — лочин.
Шоҳиду бурхон — гувоҳ, ҳужжат, далил.

Шумор, шумора — саноқ, ҳисоб.
Шўру шар — тўполон, жанжал-ғавғо; қўзғолон.
Шуғл — машғуллик, шуғулланиш.
Шуъбада — ўйин, найранг.
Шўриш — ғавғо.

Я

Явмул — жазо, диндорлар эътиқодича жазо куни (қиёмат куни).
Яхдон — чармдан ясалган кичик сандиқ.

Қ

Қадди хам — қадди букилган, қадди эгилган.
Қабзи руҳ — жон чиқиш.
Қарн — 1) ҳайвон шохи; 2) ўттиз йил маъносида ишла-тилади, узоқ замон.
Қиёмат ойин — қиёматнинг расми, одати.
Қирим — терининг бир нави.
Косид — хабарчи, алоқачи.
Кудум — қадамлар.
Куллош — ғамдан эгилган, ғамли.
Қути лоямут — ўлмагундай овқат, тирикчиликнинг ўтиши учун кифоя қиладиган овқат.

Ғ

Ғаддор — 1) алдамчи, хиёнатчи, 2) бевафо, бераҳм, зорлим.
Ғаммоз — сир очувчи, чақимчи.
Ғизол — кийикнинг боласи, оҳу.

Ҳ

Ҳадаф — 1) нишон; нишон жойи.
Ҳаз — ҳузур-ҳаловат, лаззат, баҳра, шодлик.
Ҳамроз — сирдош.
Ҳамдунавор — маймунга ўхшаш, масхарабоз.
Ҳижоб — 1) парда, оралиқни тўсиб турадиган нарса; 2) уят, уялиш.
Ҳикматойин — донишмандлик қондаси.
Ҳисор — қўрғон, қалъа.
Ҳоли — дарҳол, тезда, шу ондаёқ.
Ҳубоб — сув юзила пайдо бўладиган кўпик.
Ҳумо — афсонавий қуш.